Ватанни севмак иймондандур!

# Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 5 октябрь, сешанба № 180—181 (21.532). Сотувда эркин нархда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз туфайли жонажон Ўзбекистонимизни дунё танимоқда.

Сизнинг яқиндагина Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг нуфузли минбаридан мамлакатимизнинг тинчликсевар ички ва ташқи сиёсати тўғрисида маъруза қилганингизни кўрганимизда, биз, кексаларнинг кўзларимизда севинч ёшлари қалқиди.

Қадрли юртбошимиз!

Ҳукуматимизнинг кексаларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан беҳад шодмиз. «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши, Халқаро қариялар куни муносабати билан республикамизнинг кекса фуқаролари ойлик нафақанинг 50 фоизи миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилиши, томорқа майдонларимизнинг оширилиши, уй-жойларимизнинг шахсий мулк қилиб берилиши биз, кексаларни Ватан равнақи йўлида баҳоли қудрат тер тўкишга ундамоқда. Шу боис куч-қувватимизга яраша деҳқон, фермерлик хўжаликлари ташкил этяпмиз, хусусий корхона ва дўконлар очяпмиз, ёшлар тарбияси билан фаол шуғулланяпмиз.

Муҳтарам Президентимиз!

Сизнинг ишларингиз беҳад кўп бўлишига қарамасдан биз, кексаларга йўллаган табригингиз кўнглимизни тоғдай кўтарди. Оллоҳ Сизни халқимиз бахт-саодати йўлида омон сақласин, давлатимиз тараққиёти борасидаги фаолиятингизга омад ёр бўлсин!

**Бухоро вилояти кексалари номидан:**

**А. Раҳимов, М. Мироқов, Ж. Олимов, С. Очилов, М. Еқубов, С. Жумаев, М. Санджонова.**

## ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

Шу йил 1 сентябрь куни Тошкент шаҳар туғуруқхоналарида 142 нафар чақалоқ дунёга келди. Оналарининг иссиқ оғушида ширин тамшанаётган бу гўдакларни том маънода истиқлол фарзандлари дейиш мумкин. Чунки улар истиқлолга эришиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрнини топаётган мамлакатда туғилди, таваллуд кунлари Ўзбекистон Мустақиллигининг икки йиллигига тўғри келди. Истиқлол байрами куни дунёга келган гўдаклар, уларнинг бахтиёр оналарига шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг табриги ва совға-саломларини топширган эди. Яқинда Президент Ислом Каримов номига миннатдор оналардан хат келди. Хатда, жумладан, шундай дейилади:

**«Қадрли юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич!**

**Сизнинг биринчи фармонингиз оналар ва болаларни ҳимоя қилиш хусусида бўлганини биз, жумҳурият аёллари, ҳеч қачон унутмаймиз. Соғлом авлод учун кураш борасида Фармон эълон қилганингизда Сизни қалбида Ватанига, халқига беқиёс меҳр мужассам бўлган юртбоши сифатида яна бир карра танидик.**

**Мустақиллик куни туғилган фарзандларимизга назар қилганингиз учун минг бор ташаккур. Илоҳим, болаларимиз ўсиб-улғайиб Ватанга садоқатли фарзандлар бўлиб етишсин.**

**Оналар, эгачи-сингиллар дуоси Сизни тоабад қўллагай!»**

### 3—4 ОКТЯБРЬ ҚУНЛАРИ МОСКВАДА РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН

## Давлат бошлиқларининг Мурожаатномаси

Демократияга қарши кучлар шундай бир чегарадан ўтдиларки, бу ҳақда бир неча марта гапирилган эди. Москвада қон тўкилди ва бунинг айбдорлари ўзларини қонундан ташқари қилиб қўйдилар. Музокара жараёнини барбод қилган ва одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган, қонунга хилоф қуролли тузилмаларнинг авантюрачилигини ҳеч қандай сиёсий мақсадлар билан оқлаш мумкин эмас.

Биз халқларимизнинг тақдири тарихан боғлиқ Россия халқи билан биргаликда рўй берган воқеадан чуқур ташвишланяпмиз ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига ҳамдардлик билдирамиз.

Ҳозирги қалтис дамларда барча россияликларни ақлфаросат ва вазминлик билан иш тутишга чақирамиз. Россия Президенти ва ҳукумати иғвогарларни тўхтатиш ҳамда демократияни ҳимоя этиш учун ҳамма ишни қилишига ишонамиз.

Биз яна инсонлар қурбон бўлишига йўл қўймаслик учун имкони бўлган барча сиёсий куч-ғайратларни сарфлашга тайёрмиз.

Бизнинг Мурожаатномамизни МДҲдаги бошқа давлатлар ҳам қўллаб-қувватлайди, деб умид қиламиз.

**Озарбайжон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ҳ. АЛИЕВ.**

**Арманистон Республикаси Президенти Л. ТЕР-ПЕТРОСЯН.**

**Қозоғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБОЕВ.**

**Қирғизистон Республикаси Президенти А. АКАЕВ.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

**Украина Президенти Л. КРАВЧУК.**

## МОСКВАДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Россия давлатининг пойтахти Москва шаҳрида юз берган тартибсизликлар кўнгилларга ташвиш солмоқда. Эски тузумни қўмсаб юрган кучлар тарих ғилдирагини орқага қайтариш талвасасига тушиб қолди. Бу талвасанинг ташвишли ва хавотирли булутлари эса қалбларга бесаранжомлик ва безовталик соясини солди. Бу кучлар босиб ўтилган кўприклар ёниб кетганини, энди орқага қайтиш сира ҳам мумкин эмаслигини тушуниб етмади.

3 октябрдан 4 октябрга ўтар кечаси Россия Федерациясининг тарқатиб юборилган Олий Кенгаши тарафдорлари Москвадаги бир қанча муҳим давлат идораларига, шу жумладан шаҳар ҳокимлиги ва «Останкино» телемарказига қуролли ҳужум уюштирди, ижро ҳокимияти билан қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги зиддият қон тўкилишига сабаб бўлди.

4 октябрь куни тонгда Россия Президенти Борис Ельцин Москва шаҳрида фавқулодда ҳолатни таъминлаш бўйича зарурий чоралар тўғрисида фармон чиқарди. Фармонда қисқа муддат ичида Россия пойтахтида ҳуқуқ-тартиботни изга солиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш кўзда тутилди. Шу мақсадда ички ишлар, мудофаа ва хавфсизлик вазирларидан иборат бирлашган тезкор штаб тузилди. Москвага оғир техника, ҳарбий ва десант қисмлари киритилди. Борис Ельцин фуқароларга мурожаат қилиб уларни Россия манфаатлари йўлида вазминликни сақлашга, тарафкашликка берилмасликка даъват этди. Жиноятчиларга, қурол кўтариб, тўнтариш йўлига ўтганларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш ва уларга тегишли жазо беришга чорлади. Бугунги тушган ахборотларга қараганда, пойтахтда тартиб ўрнатиляпти, лекин ҳозирча отишма бўляпти.

Ўзбекистон раҳбарияти, жамоатчилиги Россия Президенти ва ҳукумати жиноятчи қўпорувчиларга қарши қабул қилаётган ва тартиб-интизом ўрнатиш йўлида кўраётган қатъий чораларни маъқуллайди. Россияда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишни тилайди. Бир кун жанжал чиққан уйда қирқ кун барака бўлмайди, деб доно халқимиз бежиз айтмаган. Агар ақл-заковат, идрок, имон ва инсоф билан иш кўрилганда эди, бугун инсон қони тўкилмасди. Шундай эҳан, бугунги кунда юртимиздаги барқарорликни қадрлашимиз, миллатимиздан қатъи назар, ҳар биримиз ҳамжиҳатлик ва бирдамлик кўрсатиб, ягона оиланинг фарзандларидек аҳил яшашимиз зарур, дастурхонимиз тўкин-сочинлигини, юртимиз тинчлигини ва осойишталигини таъминлаш ҳар қандай инсоннинг бурчидир. Россия пойтахти Москвадаги бугунги фожиали воқеалар ҳаммамизни тинчликка, тотувликка, ҳамжиҳатликка, дўст ва биродар бўлиб яшашга яна бир карра ундайди. Зиддиятларга, қарама-қаршиликларга, кўнгилни хуфтон қиладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга сира ҳам йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ. Шу олийжаноб мақсадлар учун бор куч-ғайратимизни, билимимизни, ақл-заковатимизни ишга солишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

**ЎзА.**

## САМИМИЙ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида икки кун бўлиб, теримчилар, механизаторлар, ишчилар, инженер-техниклар билан учрашди. Биринчи котиб Хўжайли районидаги «Найман», Ҳамза номли, Ойбек номли, «Қумзиққан» жамоа хўжаликлари теримчилари, механизаторларининг баракали ишлари билан танишди.

Шундан кейин у Тахиатош ГРЭСи ишчи, инженер-техниклари билан учрашди. Партия ташкилоти ишлари билан танишди. Нукус шаҳридаги «Катекс» қўшма корхонаси — тўқимачилар комбинати ва кабель заводини бориб кўрди.

Сафарнинг иккинчи куни Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси партия фаоллари билан учрашув ўтказилди. Йиғилишда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши биринчи котиби А. Х. Асанов маъруза қилди.

Республика партия фаоллари йиғилишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов қатнашди ва нутқ сўзлади.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## КОТИБЛАР ЎҚУВИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси МК Сиёсий ижроқўми қарорига биноан Марказий Кенгаш қошида сиёсий маърифий ва ўқув маркази ташкил этилди. Мақсад партия кенгашлари котиблари ва фаолларини замонавий иш услублари ва ижодий тажриба билан қуроллантириш, турли муаммолар ечимини топиш кўникмалари ҳосил қилиш, кадрлар малакасини оширишдир. Ўқув марказининг дастлабки фаоллари Ўзбекистоннинг шаҳар, туман партия кенгаши биринчи котибларининг бир ҳафталик ўқиши билан бошланди. Машғулотларни Марказий Кенгашнинг биринчи котиби М. М. Расулов кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг Республика Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг Олий Кенгаш XIII сессиясида «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари» ҳақида сўзлаган нутқида баён қилинган қоида ва хулосаларнинг мамлакат иқтисодий салоҳиётини мустаҳкамлаш ва уларни рўёбга чиқаришда ХДП ташкилотларининг вазифалари тўғрисида йиғилганларга далиллар билан гапириб берди ва котибларнинг саволларига жавоб берди.

Ўқув дастурида Марказий Кенгаш ходимлари ва масъул ходимлари, давлат идораларининг раҳбарлари, мутахассис олимларнинг тингловчилар билан мулоқотлари, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг партия ташкилотлари ишлари билан танишиш кўзда тутилган.

*Обуна—94*

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1994 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64583

п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

(нашр номи)

| обуна янги манзилга юбориш | баҳоси | сўм | обуна сони |
|---|---|---|---|
| | баҳоси | сўм | |

1994 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

**СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

**УНИНГ БИР ЙИЛЛИК НАРХИ— 20 МИНГ 400 СЎМ.**

**ОЛТИ ОЙГА — 10 МИНГ 200 СЎМ.**

## БЕПУЛ ЁЗИЛАДИЛАР

**«Ўзсантехмонтаж» трестининг Қаршидаги механизациялашган кўчма колоннаси маъмурияти 26 нафар илғор ва кекса ишчини «Ўзбекистон овози» газетасига бепул обуна қилишга қарор қилди.**

Газета ва журналларга обуна бошланди. Каталогни варақлар экансиз йирик суммаларга кўзингиз тушади. Начора бозор иқтисодиёти, Қоғоз нархи осмонда. Транспорт харажати ҳам...

Кўчма колоннамиз жамоаси газеталар таҳририятлари оғир кунларни бошидан кечираётганлигини тушуниб турибдилар. Шунинг учун ҳам ҳар қандай шароитда ўзлари севган нашрларга 1994 йил учун обуна бўлишга жазм этдилар.

Биз ҳар йилгидек бу йил ҳам отаҳон газетамиз «Ўзбекистон овози»га обуна бўлмоқчимиз. Бу ижтимоий-сиёсий газета воқеаларни ҳаққоний ва холисона ёритиши билан бизларга манзур. Унинг бу йилги обуна баҳоси 20 минг 400 сўм белгиланибди. Жамоамиз аъзолари оладиган ўртача 75—100 минг сўмлик маошнинг бир қисмини сарфласак, йил бўйи севимли газетамизни ўқиб борамиз.

Кўчма колоннамиз ишчилари уч йилдан бери ижара асосида ишлайди. Ижара қони фойда экан. Президентимиз Фармонига биноан шаҳар ва қишлоқларни газлаштиряпмиз. Водопроводлаштиряпмиз. Бундан бошқа хайрли ишларимиз ҳам бор.

Қурилиш материаллари етарли. 5 миллион 800 минг сўм соф фойдамиз бор. Аммо топганимиз жамоаники. Ҳар хил тадбирларга сарфляпмиз. Яқинда кекса ишчимиз Назар ака Ҳотамовни пенсияга кузатиш маросими бўлди. Унга жамғарма дафтари очиб, 50 минг сўм пул ёздирдик. Тўй кийгиздик ва «Ўзбекистон овози» газетасига бепул обуна қилдик.

Ижара жамоа кенгаши ҳозирги шароитдан келиб чиқиб Назар Ҳотамовдек кекса ва илғор ишчилардан 26 нафарини «Ўзбекистон овози» газетасига 1994 йил учун бепул ёздиришга қарор қилди.

**Озод САИДОВ, «Ўзсантехмонтаж» трестининг Қаршидаги кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи, ЎзХДП аъзоси.**

## ШАРОФ РАШИДОВ ЖАМҒАРМАСИГА ХАЛҚАРО ФОНД МАҚОМИ БЕРИЛДИ

Шароф Рашидов фондининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М. Қорабоев маъруза қилди. Фондининг иш фаолияти хусусида бош директор О. Муҳаммадиев ҳисобот берди. Музокарада сўзга чиққан республика Уруш ва меҳнат фахрийлари қўмитаси раиси Б. Раҳимов, республика Матбуот давлат қўмитаси раиси Р. Тоғуломов, Улуғбек фонди раиси О. Салимов, академик Э. Юсупов, шоирлардан Шукрулло, Р. Бобожон, Н. Нарзуллаев, республика адлия вазири А. Мардиев, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Б. Алламуродов, Халқаро Қўнаев фондининг Ўзбекистон бўлими бошлиғи Қ. Тожиддинов ва бошқалар мазкур фондининг фаолият доирасини кенгайтириш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференцияда Халқаро Шароф Рашидов фонди кенгаш аъзолари сайланди. Фонд президенти ва кенгаш раиси этиб И. Ҳ. Жўрабеков сайланди.

### ҳаётимиздаги воқеалар ва ҳаётдаги ҳаётимиз

● Иқтисодиёт

### РАҲБАР КАДРЛАР ЎҚУВИ

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги бошқарув институтида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ранси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг саноат ва савдо масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарларининг ўқиши поёнига етди.**

Тингловчилар бир ҳафта мобайнида ҳозирги замон иқтисодий сиёсатининг долзарб масалаларини ўргандилар. Бунга Республика Президенти И. Каримов ишлаб чиққан бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли тўғрисидаги қоидалар асос қилиб олинди.

● Тинчлик ва тотувлик

### ТЕАТР ФЕСТИВАЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК

**Маълумки шу йилнинг 23—31 октябрь кунлари Ўзбекистон пойтахтида ўтадиган «Театр: Шарқ — Ғарб» фестивали Марказий Осиёдаги дастлабки улкан халқаро театр анжумани бўлади.**

Фестиваль «Тинчлик ва тотувлик» шиори остида ўтади ва жаҳон саҳна санъати ютуқларининг ёрқин намойишига айланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган «Театр: Шарқ—Ғарб» халқаро фестивалини ўтказиш ташкилот қўмитасининг йиғилишида шу ҳақда гап бўлди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилот комитетининг раиси М. Қорабоев бошқарди. Халқаро театр анжуманида қарийб 30 мамлакат саҳна санъати усталари иштирок этади.

● Матбуот

### ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ

**Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида Республика матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма таъсис конференцияси бўлди.**

Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев конференцияни очар экан, жамғарма газета ва журналлар фаолиятини такомиллаштириш, бозор муносабатларига ўтиш даврида уларнинг ишини мувофиқлаштириш, уларга моддий ёрдам бериш ҳамда журналистларни ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш мақсадида ташкил қилинганини айтди.

Жамғарма бошқарувининг раиси З. Есенбоев мазкур жамғарманинг асосий вазифаси — таҳририятлар жамоаларининг самарали ишлаши учун зарур шароитни яратиб бериш, газета ва журналларни нашр этиш ва тарқатиш билан боғлиқ молиявий, моддий-техникавий масалаларни ҳал этишга кўмаклашишдан иборат эканини таъкидлади.

Конференцияда жамғарма муассислари рўйхатга олинди, жамғарма низоми лойиҳаси асос учун қабул қилинди, жамғарма бошқаруви ва тафтиш комиссияси аъзолари тасдиқланди.

● Савобли ишлар

### СОҲИБҚИРОН НОМИДАГИ ЖАМҒАРМА

**Қашқадарё вилояти бўйича мухбиримиз Мусо Каромовнинг ёзишича буюк жаҳонгирнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан вилоят ҳокимлиги қошида Амир Темур номидаги жамғарма тузиш ҳақида қарор қабул қилган.**

Мақсад юртдошимиз Амир Темур хотирасини абадийлаштириш, Шаҳрисабз ва вилоятнинг бошқа жойларида бобокалонимиз замонида қурилган тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ишларига кўмаклашишдан иборат.

● Қадриятларимиз

### ТЎЙ БОЛАЛАР

**Бешариқ тумани ҳокимлиги ва матлубот жамияти уюшмасининг ташаббуси билан ўзбек, тожик, қирғиз, татар ва озарбайжон миллатига мансуб 33 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилди.**

Вилоят бўйича мухбиримиз Шавкат Исроиловнинг хабарига кўра тўй болаларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан пул ёзилган жамғарма дафтарчалари берилган. Деҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси ҳар бир бола учун 5 минг сўмдан тўёна қилган.

**(Мухбирлар, хатлар ва ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).**

• *Партия ҳаётидан*

# ИШДА ЎЗГАРИШ БЎЛСИН

**Яқинда Тошкентдаги 1-пойабзал фабрикасида Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия бюросининг кўчма мажлиси бўлиб ўтди. Бюрода корхона бошланғич партия ташкилотининг фаолияти тўғрисидаги масала тингланди.**

Масалани тайёрлаш давомида жамоадаги одамларнинг кайфияти ва ўй-фикрлари яққол аён бўлди. Сўралганлар хайриҳоҳлик билан Президент олиб бораётган сиёсатни, юртда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаши ва маъқуллашини билдирди.

Сўзга чиққанлар ходимларни иҳтимоий ҳимоялаш бўйича корхона раҳбарияти, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари катта ишлар олиб бораётганликларини таъкидладилар. Корхона ходимлари фарзандлари учун болалар боғчаси ишлаб турибди. Оқтошда «Искра» соғломлаштириш маскани бор. Ишчилар болалар боғчасида тарбияланаётган ҳар бир фарзанди учун ойига ўн икки сўм тўлайди, холос. Ваҳолонки, битта болани сақлаш корхонага 34 мингга тушяпти. Шу боис сўралганларнинг саксон икки фоизи ходимларни иҳтимоий ҳимоялаш бўйича корхона раҳбарияти фаолиятини маъқулладилар.

Шу билан бирга, бугунги кунда иқтисодий алоқалар узилиб хомашё, ускуна, эҳтиёт қисмларни етказиб беришда кўп қийинчиликлар бўлиб турибди. Шундай шароитда бошланғич партия ташкилоти нималар қилиши ва қийин шароитдан чиқиш учун қандай ёрдам бериши мумкин?

Бюрода худди шу масала хусусида жиддий гап борди. Сўзга чиққанлар бугунги кунда партия ташкилоти олдида — ишчилар кайфиятини янада яхшилаш ва интизомни мустаҳкамлаш, хом ашё таъминотидаги узилишлар бўлишига қарамай вақтни беҳуда ўтказмаслик, эски кадрларни — корхона «олтин фонди»ни сақлашдек, муҳим вазифалар турганлигини таъкидлашди.

Ушбу масалалар бўйича қабул қилинган қарорда таъкидланадики, корхона партия бюроси ҳали жамоа ишига амалий таъсир ўтказишнинг самарали шаклларини тополмаган. У мавжуд аҳволга мослашиб қолянпти.

1-пойабзал фабрикаси партия ташкилоти ишидаги камчиликлар шаҳардаги бошқа партия ташкилотларида ҳам мавжудлиги ҳисобга олиниб, бу масала юзасидан хулосаларни ҳамма жойда чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва бошланғич партия ташкилотлари ишида жиддий ўзгаришлар ясаш тавсия этилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар кенгаши ижроия бюросида Ўзбекистон ХДП туман кенгашлари томонидан ўтказилган сиёсий мулоқот куни масаласи ҳам кўриб чиқилди. Сиёсий мулоқот куни бошланғич партия ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг Ўзига хос йўли» китобидан ва Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн учинчи сессияси қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган эди.

Пойтахт меҳнат жамоаларида бўлиб ўтган учрашувларда партия ходимлари, ҳокимликлар, шаҳар ва туман идораларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Бу мулоқотларда ҳозирги сиёсий ва иқтисодий вазият мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш йўллари хусусида сўз юритилди. Ҳеч бир давлат ҳақиқий мустақилликка енгил йўл билан ва қийинчиликларсиз эришмаганлиги таъкидланди. Шу муносабат билан учрашув қатнашчилари таъкидлаб ўтдиларки, партия ташкилотлари ўз куч-ғайратларини Республика Президенти, партия Раиси И. А. Каримов тутган сиёсатни амалга ошириш йўлида одамларни жиспслаштиришга қаратишлари, халққа Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини тушунтириб беришлари керак. Ўзбекистон ривожланиш йўлидан бориб, ўз олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ишонч билдирдилар.

Ижроия бюрода, шунингдек, нафақахўр қариялларга ёрдам бериш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бошланғич партия ташкилотлари ҳокимликлар, касаба уюшмалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кексалар уйи, маҳалла қўмиталари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар ҳузурида бўлишни ташкил этдилар. Йиғилишлар, фахрийлар билан учрашувлар ўтказилди, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Молиявий аҳвол мураккаб бўлиб турганлигига қарамай Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳисобидан кексаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун 150 минг сўм сарфланди.

**Комил АЗИМОВ,**
**Тошкент шаҳар партия Кенгаши масъул ходими.**

• *Ташаббусга кенг йўл*

# ДИРЕКТОР МАШИНАСИНИ СОТДИ

**Бу миш-миш тез тарқалди. «Директор савдогардан чиқ қан экан. Тамом, энди бирлашмани сотиб еворади» дея таҳликага тушилди. Янги иш бошлаганининг ўнинчи куни у хизмат машинасини сотиб юборганди. Орадан бир ой ўтгач эса унинг ҳузурига бир аёл йиғлаб кирди. Қўлида бир даста пул. «Раҳмат, ўғлим. Корхонада узоқ йил ишлаб қўлим энди пул кўрди. 68 минг сўм ойлик чиқибди». У директорни дуо қиларди.**

— Келсам корхона қарздор. Атиги бир ярим миллионли тайёр маҳсулоти, 2 миллион сўмлик хом ашёси бор. Бу билан узоққа бориб бўлмайди. 400 ишчи ўрнига мўлжалланган янги цех қурилиши эса чала қолган. Ўйлаб, бир қарорга келдим. «2410» маркали «Волга» автомашинаси бор экан. Ўзимизда цех қураётган 94-механизациялашган кўчма колоннага сотиб юбордим. Ёшман, пиёда юрсам ҳеч нарса қилмайди, — дейди Қўқон шаҳридаги тикув-трикотаж ва бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбари Исломхон Дадажонов.

У бир ўқ билан икки қуённи урди. Аввало, корхона қарздорлик кишанидан озод бўлди. Устига-устак бироз сармояси йиғилди. Қолаверса, машина бегонага эмас, қурилиш ташкилотига сотилди. Шу-шу цех қурилиши жадаллашиб кетди. Шу кунгача 95 миллион сўмликдан зиёд қурилиш монтаж ишлари амалга оширилди. Жуда оз қолди, совуқ кунларга қолмай янги бинога кўчиб кирилади. У маҳсулот бера бошлайди.

**Бирлашмада тўн, атлас қийиқ, кўрпа ва кўрпача ғилофлари, жойнамоз, мактаб ёшидаги болалар учун кўйлаклар ва бошқа ўнлаб турдаги маҳсулотлар билан бирга аёллар учун халат ҳамда жемпер тўқиш ҳам йўлга қўйилган. Жорий йилнинг ўтган 7 ойи давомида корхонада режадагидан 32 миллион 100 минг сўмлик кўп товар ишлаб чиқилди. Ёки бу борадаги топшириқ 128,4 фоизга бажарилди. Натижада 11 миллион сўм фойда олинди.**

Атиги уч ой олдин ҳам булар ҳақида гапириш гўё тушдек эди. Қарз ботқоғи тобора пастга тортарди. Машина жонга аро кирди. Корхонаси елкасидан нафас олиб ётибди-ю, ўзи янги «31»ларда керилиб юрган раҳбарлар озми?! Ҳозир шу маркадаги «Волга»нинг янгиси 14 миллион сўм. Исломхон эса шунча маблағ билан ишлаб чиқариш чархпалагини айлантириб юборди.

— Неча юзлаб одамлар тақдири менинг қўлимда. Ишлаб чиқариш тўхтаса уларнинг тирикчилиги нима бўлади-ю, менинг раҳбарлигим қаёққа боради, — дейди у. — Бобом мансабдор охиратда намозидан ҳам олдин, аввало лавозимига жавоб беради, дея такрор-такрор айтардилар.

Бугунги раҳбар кабинетга биқиниб олиб, буйруқ билан иш юритаман деса янглишади. Миш-миш тарқалганда Исломхон Дадажоновни изладим. Бир ой «тутқич» бермади. Ҳар сафар хом ашё ундириш учун бирор шаҳарга кетган бўлади. Охири Андижон ипғазламалар комбинатидан келтирилган 15 миллион сўмлик хом ашёни туширтираётганда тутдим. Аранг 40 дақиқача гаплашдик. Шунда ҳам иш устида. У дам-бадам соатига қараради, Қолаверса, бунинг катта иқтисодий фойдаси ҳам бор». Исломхон иқтисодчи эмасми, фойдани ҳисоблаб бера бошлади. Танқис пайтда бензин иқтисоди, ҳайдовчига иш ҳақи тежами... Агар республика миқёсида оладиган бўлсак, бундан иқтисод қилинган маблағ миллиардларни ташкил қилади. Афсуски, бизда хизмат машинаси айрим раҳбарларга қилаётган иш ҳажмига эмас, эгаллаб турган лавозимига қараб ажратилади.

Исломхонни «Қўқон — Фарғона» автобусига чиқариб юбордиму, бирлашмага қайтдим. Ишчи-хизматчилар билан суҳбатларда бу ерда, жуда қисқа муддат ичида юз берган иқтисодий сакраш «сир»ларини англагандек бўлдим.

— Дастгоҳлар замонавийлари билан алмаштирилди, — дейди «Мультикамент» цехи бошлиғи Мухторжон Хўжамбердиев. — Уларда ишлаш мураккаброқ бўлса-да, маҳаллий кадрлар қунт билан ўзлаштиряптилар. Янги дастгоҳлар топишда директоримизнинг чет эл корхона ва фирмалари билан алоқаси қўл келмоқда. Исломхон Дадажонов аввал «Ўзбектурк» қўшма корхонасига раҳбарлик қилмаганми, эски шериклар ёрдамига таяниб чет элдан ёғ ишлаб чиқарадиган иккита дастгоҳ олиб келинди. Мақсадимиз корхона ишчи-хизматчиларининг ёғ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш. Туркия фирмалари билан ҳамкорликда атир совун ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

— Бирлашмамизда асосан аёллар ишлайди, — дея суҳбатга қўшилади тажрибали тўқувчи Муқаддасхон Абдураҳимова. — Яқинда маъмурият шуни ҳисобга олиб махсус буйруқ чиқарди. Аёллар иш вақти бир соатга қисқартирилди. Бундан руҳланиб режани янада ошириб бажаришга интиляпмиз. Шу ерда 11 йилдан бери ишлайман. Раҳбариятга ҳам кўп нарса боғлиқлигини энди англяпмиз. Яхши ишлаш учун қулайлик яратса бўларкан-ку?

Ким билан суҳбатлашманг гап янги директор ва унинг «команда»сига бориб тақалади. Ижобий ўзгаришлардан кўпчилик мамнун.

Дарвоқе, директорнинг «команда»си хусусида. У кадрларни қандай танлади? Биргина мисол. Исломхон цехларни айланиб юриб, асосан совуқ ўлкаларда яшовчилар киядиган жемперлар тўқилаётганини кўриб қолди. Бу маҳсулотни ким тавсия этганини суриштирди. Чунки, узун жемперлар Ўзбекистон шароитида деярли сотилмайди. Қолаверса, 2 кунда аранг битта жемпер тўқилади. Иши кўп. Меҳнат унумдорлиги, ишчининг иш ҳақи пасайиб кетади. Директор эҳтиёжбоп маҳсулот ўрнига бундай жемперлар тўқишга буйруқ берган бош муҳандисни ишдан бўшатди.

Таъминотчиларнинг иш куни дўконларни айланишдан бошланади. Улар бирлашманинг қайси маҳсулоти қандай сотилаётгани билан ҳар куни қизиқадилар. Керак бўлса нархини туширишади ёхуд маҳсулот хилларини ўзгартиришади. Директор халқ эҳтиёжибоп моллар ишлаб чиқаришга тезда мосланувчи ишлаб чиқариш тарафдори. Бошқалардан ҳам шуни талаб қилади.

Қўқонликлар Камолов деган одамни яхши эслашади. У кишини ҳурмат билан Жамол Камолович дейишади. Жамол ака 10 йилдан кўпроқ шаҳар ижроия қўмитасининг раиси бўлиб ишлаган. Раислигида ҳам, кейинчалик шаҳар иҳтимоий таъминот бошқармасини бошқарганида ҳам асосан пиёда ишга келишни хуш кўрарди. Кўп муаммолар ҳали кабинетга етиб келинмасданоқ кўчада одамлар билан ҳол-аҳвол сўралганда ечимини топарди. Оддий фуқаро дардидан хабардорлиги боис Жамол ака элнинг назарида эди. Пиёда юриб ҳориб қолмади, аксинча узоқ умр кўрди. 80 йил яшади.

Жамол акани яхши билувчилар Исломхонни ҳам у кишига ўхшатишади. Директорга таъриф беришар экан, албатта бир жумлани қўшиб қўйишарди: «Ёш бўлса ҳам...».

Ҳа айтганча, Исломхон Дадажонов яқинда ўттиз иккига киради.

**Шавкат ИСРОИЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ТАКЛИФ МАЪҚУЛЛАНДИ

**⊙ Самарқандаги «Уроқ ва Болға» консерва ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти очиқ йиғилишида бирлашма директори, ХДП аъзоси М. Ашуровнинг ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш ҳамда ишчи-хизматчиларга иҳтимоий, маиший шароитлар яратишга раҳбарлик борасидаги ахбороти тингланди.**

Бошланғич партия ташкилоти котиби Т. Абдуллаев, партия аъзолари корхона ҳаётидаги фаолликни ошириш юзасидан вазифалар хусусида тўхталди. Жумладан, у барчани бир кунлик иш ҳақини шаҳар иҳтимоий бинолар қурилиши жамғармасига ўтказишга чорлади. Мажлис аҳли мазкур таклифни бир овоздан маъқуллади. Бу эзгу иш эртасига корхонадаги 1400 нафар ишчи-хизматчига ҳам маъқул тушди.

Мажлисда илғор ишчилардан Х. Эшқувватова, Д. Ашуров тантанали равишда Халқ демократик партияси аъзолигига қабул қилиндилар.

**Фармон ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ШЎРЧИДА ШУНДАЙ ФЕРМЕРЛАР БОР

**Шўрчи туманининг Ойнакўл қишлоғи фуқароси Тангиров Тоштан бундан уч йил муқаддам 15 минг сўмга 10 бош сигир сотиб олганди. Чорваси ўзидан кўпайди. Бугун унинг қўрасида 60 та қорамоли, банкдаги ҳисобида эса 2,5 миллион сўмдан зиёд пули бор.**

Тоштан ака фермер бўлиб фақат ўзи бойигани йўқ. Элни ҳам бойитаяпти. Шу йилнинг ўзида давлатга 34 тонна сут, 55 тонна гўшт етказиб берди.

Вилоят ҳокимлиги Тангировга ўхшаганларнинг меҳнатини элга танитайлик, тажрибасини ёяйлик, деди. Натижада Шўрчи тумани қишлоқларидаги фермер хўжаликларининг иш юритишини ўрганишга бағишланган катта семинар-кенгаш ўтказилди.

Семинар-кенгаш ишида вилоят ҳокими Ж. Норалиев ва республика давлат назорати қўмитаси раисининг биринчи муовини Б. Раҳмоновлар қатнашдилар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

• *Яхшидан боғ қолади*

# ҚАЛБДАГИ ИЛМ

Орамизда шундай кишилар борки, улар умр китобининг бир кунлик саҳифасига савобли ишларни қайд қилмаса кейингисини варақламайди. Хайрли ишларнинг эса катта кичиги бўлмайди. Муборак ҳадисда айтилишича, кимки қалбини имон учун холис ва соғлом, тилини ростгўй, ўзини хотиржам, хулқини тўғри, қулоғини тингловчи, кўзини ибрат назари билан боқувчи қилиб олган бўлса, демак у бахтлидир. Ўзини бахтлиман деб санаб юрганлар бир талай бўлиши мумкин, аммо ўзгаларнинг дардига дардманд, фароғатидан ором оладиган, бахтидан лаззатланадиган кишигина том маънода бахтиёрдир. Шундай покиза кишилар қаторига Юсуфали ака Пирматовни қўшмасак адолатдан бўлмас.

— Саккиз фарзандим, 22 неварам бор. — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисиман. Икки марта ярадор бўлганман. Қирқ йилча умримни колхозчиликка, ўқитувчиликка сарфладим. Эсимни танибманки, кўпчиликдан ўрганганимни яна кўпчиликка қайтараман.

Бошингиздан ўтганларни гапириб беролмайсизми, деган саволимизга юқоридаги жавобни эшитиб ажабланмадик. Чунки шундай тоифа одамлар борки, улар ҳақида илиқ гаплар айланишиб қолса, дарров «гунг» бўлиб оладилар ёки ноқулай аҳволдан қутилиш учун гап оқимини бошқа ўзанга буриб юборадилар.

Етмиш беш ёшларни қоралаган, истарали, камсуқум Юсуфали ака бошқалардан ҳеч фарқи йўқдек кўринса да, аслида яхшиликка тўла қалби ҳамиша одамлар учун очиқ. Тўйларда ёшига яраша тўрни кўзламайди, хизмат пайида бўлади. «Хизмат» деб у йиғилганларга эзгу тилаклар тилаш билан бирга, хориж, мамлакат, вилоят ва туманларда содир бўлаётган ажойиб янгиликлар, келгусида кутилаётган хушхабарлар, иқтисодиётдаги силжишлар, ҳукумат сиёсати ҳақида бир-икки оғиз гапиришни тушунади. Одатда тантаналардаги «гапбозлик» ҳеч кимга ёқмайди. Лекин Юсуфали ака гапирганда... Чунки у кўчирмаларсиз, урғусиз, оддий ва содда, ихчам ва лўнда, самимий ва норасмий гапиради. Шу боисдан бўлса керак, Оҳангарон туманидаги «Олмалиқ» давлат хўжалиги меҳнат аҳли агар «Юсуфали ака ваъз ўқирмиш» дейилса бажонидил залга тўпланишади. Уни мароқ билан эшитишади, саволларга кўмиб ташлашади. У жавоб беришдан чарчамайди. Чунки унинг билим заҳирасида минглаб рақамлар, далил ва асослар сақланади. Балки шу хислатлари учундир у яшаётган «Қўқон» қишлоғида Юсуфали акани «рақамлар қироли» деб аташар. Балки шунинг учун бир неча марта қўшни — Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Бўка туманларига ваъз ўқишга таклиф қилишгандир. Айниқса, ҳозирги воизлар урфдан қолиб турган бир пайтда унинг ихлосмандлари камаймаётганлиги Юсуфали акага берилган юксак баҳо бўлса керак.

У киши маҳалла-кўйда ҳам фаол. Жанжал бўлган хонадон унинг оталарча ташрифидан сўнг аҳил яшай бошлайди. Ёрдам сўраб келган киши унинг аралашуви дан кейин миннатдорчилик билдиради. Ўзининг зарарига бўлса ҳам ҳақ сўзни айтишидан одамлар ибрат олаётганини таъкидлаш керак.

Кўпчиликнинг ҳақиқий ҳурматига сазовор бўлиш осон эмаслигини Юсуфали ота яхши идрок этади. Шу боис, айтган панд-насиҳатларига аввало ўзи амал қилади. Масалан, айтайлик, қаровсиз ётган жойни ёнғоқзорга айлантирди. Тиш тузатиш поликлиникаси атрофи ҳозир ўрикзор. Яқинда у ўз маблағи ҳисобига давлат хўжалиги ҳудудида автобус бекати қурдирди.

Қиссадан ҳисса шуки, муқаддас ҳадисда ёзилгандек, илм икки хил бўлади: бири қалбдаги илм бўлиб, у фойдалидир. Иккинчиси тилдаги илм бўлиб, у тангри ҳузурида банда зарарига далил бўлади...

**Абдунаби МАННОПОВ.**

# ХЎЖАЛИК АҲЛИ МИННАТДОР

**Бу йил республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги мамлакатимизнинг ҳамма жабҳаларида кўтаринки руҳ [illegible]лан нишонланди. Айниқса, [illegible]вой вилояти Конимех туманидаги Ю. Қизтуғонов бошчилик қилаётган «Чордара» давлат хўжалиги меҳнаткашлари байрамни ўзгача кайфиятда қарши олишди.**

Хўжалик чорвадорларининг йил бошидан қилган самарали меҳнати туфайли давлатга 12069 тонна гўшт топширилди. Ҳар бир қўйнинг ўртача вазни 50 килограммни ташкил этди. Бу йил деҳқонларнинг иши ҳам чакки бўлмади. Жумладан, Камол Тоғаев етакчилик қилаётган бригада далаларининг ҳар гектаридан 140-150 центнер беда ўриб олинди. Буғдой, арпа майдонларининг ҳар гектаридан эса 25 центнергача ҳосил олиниб, режада кўрсатилган 98 тонна ўрнига, 153 тоннадан дон давлатга топширилди.

Шунингдек, хўжаликда хайрия жамғармаси ташкил этилди. Истиқлол байрами арафасида кам даромадли, кўп болали, қаровсиз қолган қариялар, уруш ва меҳнат фахрийларига юз минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳозирги иқтисодий қийинчилик ва етишмовчиликлар бўлиб турган бир паллада бундай эзгули, саховатли ишларни амалга ошираётган хўжалик маъмуриятидан ҳамма миннатдор бўлмоқда.

**М. АДИЗОВА,**
**Навоий вилояти.**

**Ўтган йилгига ўхшаб бу йил ҳам Олот туманидаги «Олот» давлат хўжалиги деҳқонлари Бухоро вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажаришди. Давлат хирмонига 800 тоннадан зиёд хом ашё сотилди. Ҳосилнинг 80 фоизи машиналар қопчиғидан тўкилди. Миришкорлар мавсум охиригача яна 500 тонна пахта йиғиштириб олишга сўз беришди. Моҳир механизатор Баҳодир Қиличев ўз машинаси билан 160 тонна хом ашё терди. У сентябрнинг сўнгги ўн кунлиги кўрсаткичлари бўйича мамлакатимизда энг юқори натижага эришди.**

**СУРАТДА: бригада бошлиғи Ҳаким Чорнев ўз жамоасидаги илғор механизатор Баҳодир Қиличевни меҳнат ютуғи билан қутламоқда.**

**Ш. ШАРОПОВ**
**олган сурат. (ЎзА).**

# «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

**Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисидаги шу йил 4 октябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

**(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)**

| Вилоятлар | Бир кунда | Мавсум бошидан | Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда | Мавсум бошидан |
|---|---|---|---|---|
| Хоразм | 2,97 | 59,15 | 0,55 | 2,67 |
| Сурхондарё | 2,84 | 52,63 | 2,35 | 25,25 |
| Бухоро | 3,37 | 49,46 | 1,35 | 8,71 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 3,13 | 39,36 | 2,72 | 20,57 |
| Қашқадарё | 3,44 | 30,43 | 3,28 | 17,28 |
| Фарғона | 2,38 | 29,70 | 0,43 | 2,58 |
| Андижон | 2,73 | 25,36 | 0,75 | 1,59 |
| Навоий | 3,02 | 21,66 | 1,32 | 3,93 |
| Наманган | 2,01 | 14,38 | 0,41 | 1,69 |
| Самарқанд | 1,90 | 10,41 | 0,48 | 1,05 |
| Тошкент | 1,06 | 7,45 | 0,34 | 0,52 |
| Жиззах | 1,02 | 4,42 | 0,70 | 2,44 |
| Сирдарё | 0,54 | 2,72 | 0,04 | 0,08 |
| **Мамлакат бўйича:** | **2,36** | **27,69** | **1,19** | **7,37** |
| **Шу жумладан ингичка толали пахта** | | | | |
| Сурхондарё | 3,01 | 38,44 | 0,00 | 0,00 |
| Қашқадарё | 1,05 | 5,66 | 0,00 | 0,00 |
| Наманган | 0,25 | 4,73 | 0,00 | 0,00 |
| **Мамлакат бўйича:** | **2,53** | **30,61** | **0,00** | **0,00** |

# ХИРМОНЛАР ЮКСАЛМОҚДА

**Муборак туманидаги «Хитой» жамоа ширкат хўжалиги ҳар йилгидек бу йил ҳам пахта теримида карвонбоши. Ҳозир кунлик ўсиш суръати 5 фоизга чиқди.**

— Бу албатта, зангори кемаларнинг шарофати, — дейди жамоа ширкат хўжалиги кенгаши раиси Мели Йўлдошев. — Одамларга шароит яратганмиз. Вақтида маошини бераяпмиз. Бор ҳосилни 20 октябргача саранжомлаб олсак, бу — бизнинг ютуқ. Давлатга 4 минг тонна ўрнига 5,5 минг тонна пахта топширамиз. Шу кунгача 74 ширкатчи бригаданинг кўпчилиги маррага етди. Улар орасида Қудрат Тўхтабоев, Мели Турдиев, Холмамат Исмоилов, Сафар Тожиев, Камол Тўхтаев, Сайфулла Эрмонов каби ғолиб бригадалар бор. Улар бир неча кундан бери қўшимча мажбурият ҳисобига пахта тайёрлаяптилар.

Пахтазорларда терим агрегатлари гуруллаб ишламоқда. Мавсумга пухта тайёргарлик кўрилганлиги учун ҳам мавжуд 52 та агрегат бир зум ҳам тўхтамади. Ҳар бири 15—20 тоннадан пахта тўкишга аҳд қилган Сайфулла Набиев, Эгамберди Ҳусенов, Зубайдулла Исмоилов, Бозор Жумабоев, Нормамат Бегматов сингари механизаторлар алоҳида жонбозлик кўрсатиб, кунига 5—6 тоннадан пахта теришмоқда. Уларнинг эл хирмонига тўккан пахтаси 70—80 тоннадан ошиб кетди.

Терилган пахталар пешма-пеш қабул пунктига ташилмоқда. Илғор тележкачилардан Орзи Жўраев, Юсуф Жўраев, Очил Маматқобилов, Ғулом Аққулов кабилар ҳосилни ташишда ғайратни бўшаштирмаяптилар.

Бундай дала заҳматкашларини вилоятнинг барча туманларида учратиш мумкин. Йиғим-терим энди бошланган кезларда Касби туманидаги Ҳамза Хўжақулов номли жамоа ширкат хўжалигида бўлгандик. Бу ерда ҳам пахта теримида суръат ошмоқда. Куни-кеча хўжалик кенгаши раиси, вилоят партия кенгаши аъзоси Эргаш Турсунқулов газетамизнинг Қаршидаги мухбирлар пунктига қўнғироқ қилиб илғор бригадалар маррага етганлигини хабар қилди. Жамоа ширкат хўжалигининг Нурхон Турсунов, Абдуҳамид Омонов, Бекмурод Мавлонов, Турсун Рўзибоев, Қобил Зарипов, Шодиқул Пиримовлар бошлиқ бригадалар биринчи теримдаёқ дастлабки маррани эгалладилар. Бунда чевар теримчиларнинг фидокорлиги ҳам диққатга сазовор.

Пахтакорлар яхши ният билан ўз хирмонларини юксалтиришмоқда.

**Мусо КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ЯНГИ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ

**Ўзбекистон истиқболи қандай бўлиши кўп жиҳатдан иқтисодчиларга боғлиқ. Юртимизнинг бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ёш иқтисодчилар сафини кенгайтириш муҳим вазифадир.**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университетида кейинги беш йил ичида қилинган бу борадаги ишлар ибратлидир.**

Қурилиши ўн йилдан ортиқ вақтга чўзилган дорилфунуннинг янги маъмурий биноси, бир миллион томлик асарлар тўпланган кутубхона, Бўстонлиқ туманидаги соғломлаштириш маскани, ёш оилали ўқитувчиларга 240 ўринли ётоқхона, «Иқтисодий ва ижтимоий режалаштириш» факультети ўқув биноси ва кечагина очилган 800 ўринли маданият маркази... Буларнинг ҳаммаси ана шу беш йил ичида ишга туширилган иншоотлардир.

Университет маданият марказининг очилишида сўзга чиққан республика Бош вазирининг ўринбосари Муҳаммаджон Қорабоев, кекса ўқитувчилардан Исомиддин Эрбўтаев, дорилфунун ректори Саидаҳрор Ғуломов ва бошқалар университет аҳлини янги бино билан қутладилар, иншоотни барпо этишда қатнашган қурилиш ташкилотларига миннатдорчилик билдирдилар.

**Ҳусан ЭРМАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**
**ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!**

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

**АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!**

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

## ИСТИҚЛОЛ—ОЛИЙ НЕЪМАТ

# БУЮК КЕЛАЖАККА ШАҲДАМ ҚАДАМ

**ХОЗИРГИ ДАВРДА биз жаҳонда, собиқ Иттифоқ ҳудудида, шунингдек, диёримизда юз бераётган буюк ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришларнинг жонли шоҳиди, бевосита иштирокчиси бўлиб турибмиз. Бу жараёнлар шиддат билан кечмоқда ва у ижтимоий ҳаёт, жамият тараққиёти тўғрисида кўп йиллар давомида ҳукмрон бўлиб келган қарашлар ва таълимотларни, ақида ва дастурларни шу бугунги янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият учун яроқсиз қилиб қўйди.**

**Хўш, мустақиллик қўлга киритилди, мустақил Ўзбекистон давлати ташкил топди. Истиқлолни мустаҳкамлаш учун нималар қилмоқ керак! Энди истиқбол сари қайси йўлдан ва қандай қилиб бориш зарур! Булар юзаки қараганда жўн саволларга ўхшайди, аммо моҳият-эътибори билан ниҳоятда мураккаб ва терандир. Зеро, гап халқимиз, миллатимиз, мамлакатимизнинг тақдири, ҳаёт-мамоти тўғрисида, унинг ҳозирги аҳволини яхшилаш, истиқболини белгилаш ҳақида бормоқда. Бу саволларга аниқ ва равшан жавоб бериш учун катта ақл-заковат, тафаккур қудрати, тажриба, билим, жасорат ва матонат даркор. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон—келажаги буюк давлат», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик», «Ўзбекистон—бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» каби асарларида шу юқорида қўйилган саволларга илмий теран, айни пайтда лўнда ва аниқ жавоб берилган. Мазкур асарларда, шунингдек, юртбошимизнинг қатор маърузалари, нутқ ва мақолаларида жумҳуриятимиздаги маънавий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муҳит ҳар тарафлама чуқур сиёсий, назарий ва фалсафий таҳлил этилганлиги эътиборга лойиқдир. Зотан, Президентимиз ҳозирги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазиятнинг нафақат жонли гувоҳи, кузатувчиси, фаол иштирокчиси, балки бу жараённинг жонкуяр ижодкори ва истеъдодли кашфиётчиси ҳамдир.**

**Республика Вазирлар Маҳкамасида олий ўқув юртлари ректорларининг йиғилишида сўзлаган нутқида Ислом Каримов: «Биз миллий мафкурани яратиш билан бирга олдимизга: биз ким учун, қандай давлат қураяпмиз, деган саволни кўндаланг қўяр эканмиз, ўзимизни ким билан таққослаётганимизга, капиталистик ёки монополистик, социалистик ёндашишлар йўқ бўлганига эътибор беришимиз зарур. Ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи олимлар, профессор-ўқитувчилар шу масалада фикр билдириши, йўлимизни янада аниқроқ белгилаб олишимизда ёрдам беришлари даркор», деб таъкидлади.**

**Бу барча олимлар, жумладан, файласуфлар олдига ўз вақтида қўйилган ҳам сиёсий, ҳам назарий бениҳоя муҳим масаладир. Дарҳақиқат, мустақилликка эришдик. Хўш, энди қайси йўлдан боришимиз даркор! Президентимиз айтганларидек, қайси йўлни танлашимиз керак!**

Бизнингча, ҳозирги танлаган йўлимиз бирдан-бир тўғри йўлдир. Ҳар қандай «изм»-«изм»лардан оқилона ўрда воз кечдик. Негаки, биз ва бизнинг авлод социализм жамиятида бевосита яшаб, унинг қатор нуқсон ва камчиликларини ўз ҳаётида синаб кўрди. Шунингдек, капитализмнинг иллатларини ҳам ташқи дунё эшиклари биз учун ланг очилганидан кейин бу тузумдаги давлатларга бориб, ўз кўлоғимиз билан эшитиб, кўзимиз билан кўриб келдик. Модомики, шундай экан, биз кўрабила туриб, кўр-кўрона капитализм ёки социализм йўлидан асло бора олмаймиз. Назаримизда, фақат ҳар иккала тузумнинг ҳам ижобий жиҳатларинигина қамраб олган, уларнинг ҳамда бу «изм»лар жумласига кирмайдиган давлатлар тажрибасининг омухтасидан иборат бўлган, шунингдек, ўз қадимий давлатчилигимизга ҳам асосланган жамият тузиш йўлини танламоғимиз даркор. Ҳозирги пайтда бу жамиятнинг номи ҳақида гапирганда сиёсатчилар, давлат ҳужжатларида, Конституцияда, олимларнинг мақолалари ва нутқларида, айниқса, ижтимоий фан вакиллари, хусусан, файласуфларнинг асарларида «ҳуқуқий давлат», «демократик давлат», «адолатли жамият» ва қоказо иборалар ишлатилмоқда. Биз истиқболда қурилажак жамиятимизни «ХАЛҚ ЖАМИЯТИ» деб аташни таклиф қилар эдик. «Халқ жамияти» деганда юқорида ишлатилган ибораларнинг ҳаммасини ўз ичида акс эттирувчи тушунча юзага келур эди. Даставвал шуни айтиш лозимки, ҳозирги кунда жаҳоннинг аксарият давлатлари бозор иқтисоди йўлидан бормоқда. Сабаби бозор иқтисодиёти тизими туфайли ишлаб чиқариш маромини жадаллаштиришда катта ижтимоий куч бўлган ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлиги рағбатлантирилишини таъминлаш нақддир. Яъни моддий ва маданий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этган кишиларнинг мулкдан бегоналашувига маълум даражада чек қўйилади. Аслини олганда, социализм ғоясининг мағзи ҳам шу бевосита ишлаб чиқарувчиларни ижтимоий мулкчилик йўли билан мулк эгаси қилишдан иборат бўлган. Минг афсуслар бўлсинки, биздаги «реал» социализмда бу ҳодисанинг акси бўлди, яъни хусусий мулкни тугатиб, уни ижтимоий мулкка айлантириш сиёсатига амал қилиниб, 74 йил бадалида давлат мулки юзага келди ва бу мулк, сирасини айтганда, ҳаммадан бегоналашган мулк эди.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ўтишнинг афзаллик томони, энг аввало, ҳеч кимники бўлмаган мулкнинг эгаларини топмоқ ва шу туфайли моддий манфаатдорликни кучайтириш асосида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришга эришиш, пировардида кенг халқ оммасининг фаровонлигини оширишдан иборатдир.

Президентимиз ва ҳукуматимизнинг бу бородаги ички сиёсати мамлакатимизнинг ўз истиқлоли ва тараққиётини белгилаб берувчи муҳим омилдир. Бу республикамиз истиқлоли ва истиқболининг ўз йўли ва андозасининг шакланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комилдир.

**Маълумки, бозор иқтисодиёти, одатда** (агар уни ўз ҳолига қўйиб қўйилса) **аҳолни ўртасида ижтимоий табақалашувни кучайтиради, бойларнинг яна ҳам бойиб кетишига, камбағалларнинг эса яна ҳам камбағаллашувига олиб келади. Шу туфайли бозор иқтисодиётига ўтишда бизнинг республикамиз ўз йўлининг асосий хусусияти сифатида жамиятдаги ана шу табақалашув масофасини узоқлаштирмаслик, уни имкони борича ўзаро яқинлаштириш йўлини танлаганлиги эътиборга молиқдир.**

Ҳозирги даврда асосий вазифа жамиятдаги барча табақаларнинг турмуш даражасини кўтаришдан иборат бўлмоғи керак. Зотан, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни анча қийинчиликлар билан бўлса-да муваффақиятли кечмоқда. Лекин, айниқса, иккита муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммо, яъни нархнаво ва маош масалаларида бирмунча чалкашликлар, айрим ўзбошимчаликлар юзага келдики, уни тезда тартибга солиш зарур. Бу ҳол бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнинг давлат томонидан маълум даражада бошқариб бориш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бу борада Президентимизнинг «Давлат — бош ислоҳотчи бўлиши керак», деган даъвати бағоят маъқулдир.

ЧИНАКАМ ЯНГИ жамиятини, «халқ жамияти»ни қуриш негизида ётган яна бир муҳим назарий, ижтимоий-сиёсий масала — бу ҳокимият масаласидир. Биз бу масалага атрофлича тўхталиб ўтирмасдан фақат унинг бир жиҳати ҳақида фикр юритмоқчимиз. Ў ҳам бўлса, мустақил давлатни пировард натижада ҳуқуқий, демократиялашган давлатга айлантириш масаласидир. «Реал» социализм қурилиши жараёнида қабул қилинган Конституциялар, расмий ҳужжатларда гўёки умумхалқ давлати тузилганлигини кенг тарғиб ва ташвиқ қилинар, амалда эса чин маънода мустабид тартибот ўрнатилиб, халқ оммаси давлатни бошқаришдан бегоналаштирилган эди. Янги ижтимоий-сиёсий вазият бу «мерос»дан тамомила воз кечиш масаласини кун тартибига қўйди.

Янги давлат тизимининг ташкил топиши ва унинг янги ижтимоий-сиёсий муҳитга қанчалик мос тушиши муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлат бошқарувини ташкил этишда халқимизнинг тарихан шаклланган давлат тизимидан фойдаланаётганимиз кўриниб турибди. Шу билан бирга бу тизим тобора такомиллаштирилиб борилмоқдаки, бу ниҳоятда муҳимдир.

**Демократик давлатнинг энг муҳим хусусиятларидан бири — халқ хўжалигининг барча тармоқларини бошқаришда, умуман давлатни идора қилишда кенг халқ оммасининг иштирокини амалга оширишдир. Бундан ташқари, ҳуқуқий давлатда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳозирда биз мақсад қилаётганимиздек, қонуннинг устиворлигини таъминлашга эришмоқ зарур.**

Бизнингча, яна бир муҳим муаммо бу — жойларда, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларидаги тизимга янада сайқал беришни ҳаёт тақозо этмоқда. Балки, жойларда ўтган икки йил ичида тўпланган тажрибани умумлаштириш ҳамда бошқаришнинг бу муҳим халқаларини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, раҳбарлари, бош мутахассислари, лозим бўлса, етакчи олимларининг йиғинини ўтказиш фойдадан холи эмас, деб ўйлаймиз.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ мамлакат аҳолисининг аксарияти қишлоқ хўжалигида банд эканлигиҳ назарда тутиб, мустақил республика иқтисодий тараққиётида қишлоқ хўжалиги ривожига алоҳида эътибор бериш ва унинг устиворлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хомашё тарзида эмас, балки уни жойларда қайта ишлашни ташкил этиб, тайёр маҳсулотга айлантириб сотиш, яъни кичик саноат корхоналари тармоғини кенгайтириб, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришга қаратилган сиёсати жуда тўғри. Шу билан бирга бир нарсани унутмаслигимиз керакки, ҳозир иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар саноатни кенг кўламда ривожлантириш эвазига, яъни машинасозлик, электроника, самолётсозликни, илмий-техника тараққиётининг энг сўнгги ютуқлари бўлган автоматика, телемеханика, биотехнология, робототехникани ишлаб чиқаришга тезкорлик ва чаққонлик билан жорий қилиш ҳисобига юксалишни таъминлаганликларини алоҳида таъкидлаш керак. Шунинг учун ҳам республикамиз тараққиётини белгилашда, биринчи навбатда, мана шу соҳаларга бутун ақл-идрок, заковат ва куч-қувват, диққат-эътибор ҳамда маблағ сарфланиши мақсадга мувофиқдир. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашилса, республика иқтисодиёт тизимини яна бир бор қайта кўриб чиқиш фойдадан холи эмас. Масалан, қишлоқ хўжалиги тузилмасини қайта қуришда республика аҳолисини иншоннинг яшаши учун энг зарур бўлган маҳсулотлар: ғалла, гуруч, ёғ, гўшт, шакар ва бошқалар билан ўзини-ўзи таъминлашини кўзда тутиш бениҳоя муҳимдир. Бундай маҳсулотлар билан республикамизнинг ўзини-ўзи таъминлаши учун эса барча имкониятлар мавжуддир.

Бизнингча, мамлакатимиз саноати тузилмасини ҳам тубдан ўзгартириш кун тартибидаги долзарб масаладир. Дарҳақиқат, саноатнинг нони бўлган металл, халқ хўжалиги барча тармоқларининг қони бўлган нефть ва нефть маҳсулотлари, қурилишга сув ва ҳаводек зарур бўлган ёғоч, ғишт, цемент, шунингдек, таъбир жоиз бўлса, маънавиятимизнинг оши бўлган қоғоз билан ўзўзимизни таъминлашдек катта вазифаларни амалга ошириш ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлмоғи лозим, деб биламиз.

Пировард мақсад мустақил давлатнинг, жамиятимиз аъзоларининг турмушини яхшилаш, тўқ ва бадавлат ҳаёт барпо этишдир. Модомики, шундай экан, назаримизда, мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда халқимиз фаровонлигини яхшилаш мақсадида республикамизда озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ҳажми ва турларини ҳам аниқламоқ зарурдир. Бунинг учун эса яна бир ишни амалга ошириш, яъни мустақил мамлакатимиз аҳолисини ҳақиқий, холис рўйхатдан ўтказиш лозим. Зеро, бу ҳам катта аҳамиятга молик бўлган ижтимоий-сиёсий ҳодисадир.

Маълумки, иқтисодиётни юксалтириш учун олтин билан биргаликда валюта жамғармасига ҳам алоҳида аҳамият бермоқ даркор. Бу борада республикамизда катта имкониятларга эга бўлган соҳа — туризмдир. Бу соҳа алоҳида эътибор ва мурувватни талаб этади. Зеро, юртимиз тарихий обидаларга бойлиги билан (Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент шаҳарлари, Фарғона водийси) оламга машҳурдир. Бундай ноёб имконият эса дунёдаги камдан-кам мамлакатларда мавжуд. Кўпгина хорижий мамлакатлар ўз бюджетларининг талай қисмини шу тармоқ орқали қоплаётганлиги, чунончи, Мисрдек каттагина давлат ўз миллий даромадининг қарийб 30 фоизини чет эл туризмидан олаётганлиги биз учун катта сабоқ бўлмоғи керак.

Агар биз юқорида айтиб ўтганимиздек, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ўз-ўзимизни таъминлашни яхши йўлга қўйсак, мустақилликнинг иқтисодий негизини беқиёс даражада мустаҳкамлаган ва келажакда сиёсий тобеликка, иқтисодий қарамликка тушиб қолмаслигимиз учун мустаҳкам замин яратган бўлур эдик.

МИЛЛАТ ВА МУСТАҚИЛЛИК... Бу асрлар давомида ёнма-ён бўлиб келган тушунчалардир. Миллат борки, у ҳар қачон, ҳамиша мустақил яшаш учун интилган, курашган ва бунинг учун қон тўккан. Бинобарин, мустақилликсиз миллат бу — қанотсиз қушдир. Мустақилликсиз миллат қафасдаги шерга ўхшайди. Қандай кучга, қандай қудратга эга бўлмасин қафас ичидаги шер ҳеч иш қилолмайди. Қисқаси, мустақиллик хоҳ у кўп сонли, хоҳ у кам сонли бўлсин, бу — ҳар қандай миллат учун, унинг яшаши, равнақ топиши ва гуллаб-яшнаши учун тарихий заруратдир. Мустақиллик — бу эркинлик, озодлик ва тараққиётдир. Мустақиллик, таъбир жоиз бўлса, миллат йўлида порлаб турган қуёшдир.

Эндиги энг олий мақсад — шу мустақилликни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш, унинг табаррук неъматларидан тўла-тўкис баҳраманд бўлишдир.

Бу улуғ бурчни муваффақиятли адо этиш учун бизнинг фикримизча ва эътиқодимизча тубандаги муҳим масалаларга алоҳида эътибор бермоқ даркордир.

Биринчидан, ёшу қари, эркагу аёл, ишчи-ю деҳқон, олиму ижодкор ҳамма-ҳаммаси бир жону бир тан бўлиб, ўз меҳнати, ақл-заковати, бор маҳоратию куч-қувватини мана шу олий мақсадга — мустақиллигимизни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга қаратмоғи зарур. Ҳар биримизда миллатга нисбатан ҳурмат, меҳр-муҳаббат ҳис-туйғулари ҳукмрон бўлмоғи керак. Миллат тақдирига бефарқ қарамоқ бу ақлу-фаросати йўқ кимсанинг ишидир. Айни вақтда шуни ҳеч қачон унутмаслик зарурки, Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилиниши нафақат ўзбек миллати, ўзбек халқининг, балки ҳудудимизда яшовчи барча халқларнинг ҳам мустақиллиги демакдир. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашиб, мамлакатимизнинг барча аҳлини бирлаштириб, шу олий мақсадга йўлламоқ зарурдир.

Иккинчидан, ҳозирги кунда мавжуд барча сиёсий партиялар ўзларининг бутун сиёсати ва амалий фаолиятини шу қўйилган олий мақсадга сафарбар қилмоғи лозим.

Улар она диёримиз меҳнат аҳли билан республикамиз раҳбариятига ва унинг умумхалқ сайлови йўли билан сайланган Президентига яқиндан туриб кўмаклашишлари, ўз шахсий манфаатларини умуммиллат манфаатларига бўйсундиришлари муқаддас бурчдир, ҳаёт тақозосидир.

Биз шу кунларда моҳиятэътибори билан катта тарихий жараённинг жонли гувоҳи, фаол иштирокчиси, бунёдкори бўлиб турибмиз. Бу жараён ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда.

Истиқлолимизнинг икки йили, биринчидан, ҳар биримизга эрк, озодлик ва мустақилликнинг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб симириш имкониятини берди. Иккинчидан, энг муҳими, Истиқлол туфайли биз ўз ҳудудимизга қонуний эга бўлдик. Бу деган сўз — ҳудудимиздаги ер ости ва ер усти жамики бойликлари, шаҳарлар, туманлар, қишлоқлар, заводлару фабрикалар, олтинлару кумушлар ва ҳоказолар ўзимизники бўлди. Учинчидан, минг-минг йиллик кўҳна тарихимизни, миллий-маданий ва илмий қадриятларимизни тикламоқдамиз. Тўртинчидан, кўп асрлик ғафлат уйқусидан уйғониб, инсоният тарихида тутган ўрнимизни, мавқеимизни англаб, ўзлигимизни қўлга киритмоқдамиз. Шу қисқагина икки йил ичида биз дунёни, дунё эса бизни тан олди. Ахир булардан-да олий неъмат борми! Булар бизнинг эртанги кунимизга зўр умид бағишлайди, ҳар биримизда ғурур, шуур ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

Она тарих учун денгиздан томчидек мана шу икки йил ичида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида қўлга киритилган ютуқлар истиқлолимиз пойдеворини мустаҳкамлаётган. Булар гўзал диёримиз, севикли Ватанимиз — жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажак сари қўйган шаҳдам қадамларидир!

**Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ,**
**Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби, Ўзбекистон Фалсафа жамиятининг президенти, фалсафа фанлари доктори, профессор.**

---

## ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

### „БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

### ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БЕЛЬГИЯДА

**● РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов расмий-амалий ташриф билан Бельгия пойтахти Брюсселга келди.**

Уч кун давом этадиган сафар доирасида Туркманистон Президенти НАТО Бош котиби Манфред Вернер ва Шимолий Атлантика иттифоқи раҳбарлари билан учрашади.

### АҲМАД ЯССАВИЙ ДОРИЛФУНУНИ

**● Онадўлу агентлигининг хабар беришича, Қозоғистон билан Туркия ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ Туркистон шаҳрида халқаро Хўжа Аҳмад Яссавий дорилфунуни барпо этилади.**

Шартнома иккала мамлакат вазирлар ҳайъати томонидан тасдиқланди.

Дорилфунуннинг янги биноси қурилишини келгуси йилнинг март—июнь ойларида бошлаш кўзда тутилган. Шартномага асосан у Туркия қурилиш ширкатлари томонидан бунёд этилади. Туркия ва Қозоғистон ҳукуматлари дорилфунуннинг халқаро талабларга жавоб берадиган даражада бўлишини таъминлайдилар. Олий ўқув юртининг барча техникавий жиҳозларини Туркия етказиб беради.

### ТУРКМАН — ТУРК БАНКИ

**● Туркманистоннинг агросаноат банки Туркиянинг зироат банки билан ҳамкорликда туркман—турк тижорат банкини очди.**

Бир миллион доллар сармояга эга бўлган янги банк Ашгабатда фаолият бошлади. У энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, Туркманистондаги биринчи халқаро банкдир.

Янги банк туркиялик ва туркманистонлик ишбилармонларни кенг ҳамкорликка даъват этмоқда.

### САМАРҚАНД—ПАНЖИКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛИ

**● Ленинобод вилоятининг Панжикент шаҳри йирик саноат марказларидан ҳисобланади . Бу эса транспорт қатновини кенгроқ йўлга қўйишни тақозо этади. Ана шу вазият ҳисобга олиниб, Панжикентни Самарқанд шаҳри билан боғлайдиган темирйўл қуриладиган бўлди.**

Жами 55 километрга темирйўл излари ётқизилади. Темир йўлни ўзбекистонлик қурувчилар барпо этадилар.

### ЭЛЧИ ИШ БОШЛАДИ

**● Корея Халқ Демократик Республикасининг Тожикистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Пак Зэ Пхир Олий Кенгаш ранси Имомали Раҳмоновга ишонч ёрлиғини топширди.**

Шу тариқа Тожикистонда яна бир элчихона иш бошлади.

### МОСКВАЛИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

**● Москва шаҳар ҳокимлигининг бир гуруҳ экспертлари Тожикистон Республикасининг кўпгина шаҳар ва туманларида бўлиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича режалар туздилар.**

Шунга мувофиқ, Тожикистонда 15 та қўшма корхона қурилади. Россиядан нефть маҳсулотлари етказиб берилади. Ишбилармонлик соҳасида ҳам ҳамкорлик қилинади. Дори-дармон ишлаб чиқарувчи фабрика ва алюминий заводи қуриш учун жойлар белгиланди.

### ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КОНКУРСИ

**● Республикада «Ишбилармонлар — Тожикистонга» шиори остида халқаро конкурс ўтказилмоқда.**

Конкурснинг мақсади иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда хорижий мамлакатлар ишбилармонларини жалб этишдир. Мамлакатни иқтисодий ривожлантиришга хизмат қиладиган лойиҳалар танлов учун қабул қилиняпти. Танлов муассислари — Тожикистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан кичик ва ўрта бизнес миллий ассоциясидир.

Танловда Тожикистон фирмалари билан бирга Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия ва бошқа Ҳамдўстлик мамлакатлари вакиллари иштирок этмоқда. Германия, АҚШ, Исроил ва бошқа ҳорижий мамлакатлар ишбилармонлари ҳам унда ўз лойиҳалари билан қатнашиш истагини билдиришган. Таниқли олимлар, ишбилармонлар, иқтисодчилардан ташкил топган экспертлар кенгаши ва ҳайъат томонидан ҳозиргача 6 та лойиҳа қабул қилинди. Танлов давом этмоқда.

**(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).**

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИДА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК БЎЙИЧА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИ 1994 ЙИЛГИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ ОЛИШ УЧУН ИЖОДИЙ ТАНЛОВГА ҚЎЙИДАГИ НОМЗОДЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

### АДАБИЁТ ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК СОҲАСИДА

1. **ШУКРУЛЛО** — «Кафансиз кўмилганлар» хотира романи.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тақдим этган.

2. **Барот БОЙҚОБИЛОВ** — «Навойнома» чоркитоби. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ишлари вазирлиги тақдим этган.

3. **Натан МАЛЛАЕВ** — «Сўз санъатининг гултожи» («Ҳамса» талқинига бағишланган илмий-адабий рисола).

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тақдим этган.

### КИНЕМАТОГРАФИЯ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СОҲАСИДА

**Мақсуд ЮНУСОВ** — постановкачи-режиссёр; **Муҳамадали АБДУҚУНДУЗОВ** — Навоий, Бобур ва Чўлпон роллари ижрочиси; **Саидкамол РАСУЛОВ** — постановкачи-рассом; **Ўрол УТАЕВ** — адабий-бадиий раҳбар. Ўзбекистон телевидениесида яратилган ва намойиш этилган кўп қисмли «Лайли ва Мажнун», «Бобур», «Кеча ва кундуз» видеофильмлари.

Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компанияси тақдим этган.

### ТЕАТР САНЪАТИ ВА МУСИҚА СОҲАСИДА

1. **Юнус РАЖАБИЙ** (раҳматлик) — ўзбек мусиқа маданиятини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун.

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компанияси тақдим этган.

2. **Абдулла ОРИПОВ** — шоир, **Мустафо БАФОЕВ** — композитор. «Ҳажнома» ораторияси.

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тақдим этган.

3. **Сайфи ЖАЛИЛ** — композитор, **Ҳамидулло Убайдуллаевич ШАМСУДДИНОВ** — бош дирижёр, **Ҳамралн КИЧИМБОЕВ** ва **Гулгина ЗОКИРОВА** — бош роль ижрочилари. Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат катта театри саҳнасида қўйилган «Маликаи айёр» операси.

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда мазкур театр ижодий жамоаси тақдим этган.

### МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА

1. **Асадулла Ашрабович ХУЖАЕВ** (раҳматлик) — меъморчилик-қурилиш мажмуи раҳбари, **Евгений Григорьевич РОЗАНОВ** — муаллиф ва муаллифлар гуруҳи раҳбари, **Фарҳод Юсупбоевич ТУРСУНОВ** — муаллиф, **Музаффар Нуриддинович НАЗАРОВ** — меъморчилик мажмуини бадиий-технологик жиҳозлаш ва ундан фойдаланиш ишлари мутасаддиси.

Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройи меъморчилик мажмуи.

Ўзбекистон меъморлари уюшмаси тақдим этган.

2. **Ҳошимхўжа МАҲАМАДИЕРОВ** — меъмор, **Улаш ЖАЛОЛОВ** — қурувчи, **Ўлмас МАҲМАДМУРОДОВ** — иш раҳбари, **Мусо ҒУЛОМОВ** — меъмор.

Ургут шаҳри ва қишлоқларида бунёд этилган янги меъморчилик мажмуи.

Ўзбекистон меъморлари уюшмаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги тақдим этган.

### ХАЛҚАРО ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДА

1. **Аҳсан БОТУР** — турк адиби ва таржимони. «Ўтган кунлар», «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё», «Кафансиз кўмилганлар» асарларининг турк тилида чоп этилган таржимаси.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси ва «Ўзбекистон — Туркия» жамияти бошқаруви тақдим этган.

2. **Камол ЭРАСЛАН** — турк олими. Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур ва Машраб асарларининг туркча нашри ва тадқиқи бўйича эълон қилинган ишлар туркуми.

Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси ва «Ўзбекистон — Туркия» жамияти бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси адабиёт институти жамоаси тақдим этган.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари қўмитаси 1994 йилги Алишер Навоий номидаги давлат мукофотига тақдим этилган асарлар рўйхатини кенг жамоатчилик муҳокамасига қўймоқда. Бундан мақсад, мазкур асарлар ҳақида матбуот, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар орқали билдирилган фикрлардан, шунингдек, жамоатчилик вакиллари, мутахассислар, китобхонлар ва томошабинларнинг холис баҳоларидан хабардор бўлиш ва уларни ҳисобга олишдир. Шу билан бирга, адабиёт, санъат ҳамда меъморчилик соҳасининг Алишер Навоий номидаги энг олий давлат мукофотлари фақат учта экани инобатга олиниши зарур. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашганда, мукофотга тақдим этилган асарлар ҳақида ҳавойи мақтовлар эмас, балки уларнинг ютуқ ёки камчилигини ишонарли тарзда, холисона исбот этадиган таҳлиллар умумий ишимизга ёрдам бериши мумкин.

Шунинг учун ҳам қўмитамиз мукофотга тақдим этилган асарлар муҳокамасининг хайрихоҳлик ва юксак талабчанлиқ руҳида ўтишига умид билдиради. Муҳокамада қатнашадиган барча ташкилотларга, жамоа вакилларига, мутахассислар, адабиёт ва санъат мухлисларига ушбу муҳим ва олижаноб ишга қўшажак ҳиссалари учун олдиндан миннатдорлик билдирамиз.

Таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри — 700003. Туроб Тўла кўчаси, 1, 217-хона. Телефонлар: 45-72-46, 45-75-25.

# ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



Шу кунларда мустақил Ўзбекистонимиз халқ хўжалигининг қайси жабҳасига назар солманг бунёдкорлик меҳнатининг устидан чиқасиз. Одамлар ўзлари учун, севимли юртимиз учун ҳормай-толмай меҳнат қилишаяпти.

Фориш туманидаги К. Маркс номли давлат хўжалиги бош чўпони Аброл Жумашев бу йил 600 бош совлиқни меҳр билан парваришлаётир. У кўкламда ана шу совлиқлардан кўплаб қўзи олганди. Ҳозир ўстиришга қолдирилган қўзилар дуркун ўсмоқда. Юқоридаги суратда Аброл Жумашевни кўриб турибсиз.

* * *

Бу йил Булунғур туманидаги «Ғўбдин» давлат хўжалиги деҳқонлари ғалладан мўл ҳосил кўтаришди. Йиллик режалар ортиғи билан уддаланди. Чорва қишловига ҳам пухта ҳозирлик кўрилди. Бунда район кенгашининг депутати, хўжалик бош ҳосилоти Нормат Эсировнинг ҳиссаси катта. У депутат сифатида 100 ўринли болалар боғчаси, маҳалланинг янги биноси ва бошқа қурилишларнинг тезроқ фойдаланишга топширилишига муносиб ҳисса қўшди.

Ўртадаги суратда Нормат Эсиров.

* * *

Боғот туманига биринчи бор газ келтирилганига 30 йил тўлди. Ўшандан бери тумандаги хўжаликларнинг 91 фоизи газлаштирилди. 1995 йилгача барча хонадонлар табиий газ билан таъминланиши кўзда тутилмоқда. Хоразм вилоят газлаштириш бошқармасининг сергайрат ходимлари вилоятда ана шундай хайрли ишларни амалга оширишмоқда.

Пастдаги суратда бошқарманинг илғор электр пайвандчиси Вячеслав Махорин.

У. ҚУШВОҚОВ, Н. АЛМУРОДОВ, Ж. ҚОЗОҚОВ олган суратлар.

## • Шу куннинг ишбилармонлари

# СОҲИБЛИК ҒУРУРИ

**Янгиқўрғон туманидаги Жўравой Охунов номли давлат хўжалигининг ер майдони унча катта эмас, Кейинги йилларда унинг бир қисми турар-жойлар қуриш учун шаҳарликларга ажратиб берилди. Ровутликлар ҳам турар-жойларини, томорқа хўжаликларини кенгайтириб олдилар. Қишлоқда эса ўн беш мингдан зиёд киши яшайди.**

**Хўжалик директори Баҳодир Охунов ўттиз ёшлар атрофида. Бироқ у хўжалик юритиш сир-асрорларини ўзлаштириб олган. Ер билан тиллашишдан ташқари саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор бериб, одамлар қалбига йўл топа олади.**

Республикамиз истиқлолининг икки йиллик байрами арафасида томат цехи ишга туширилди. Помидор «қиёми» вилоятда шу пайтгача фақат Наманган консерва заводида тайёрланар, харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришда яккаҳокимлик ҳукмрон эди. Хом ашё топширилаётганда мазкур корхона талабларига тўла бўйсуниларди. Консерва заводига маҳсулот олиб келган тиркамали тракторлар корхона дарвозаси олдида бир неча соатлаб қолиб кетар, бу ҳолат қишлоқ хўжалик ходимларини жуда бездирганди.

Эндиликда Ж. Охунов номли давлат хўжалиги ўз маҳсулотларини қайта ишлабгина қолмай, қўшни хўжаликлардан ҳам хомашё қабул қилади. Мазкур цехдан шу йилнинг ўзидаёқ икки юз миллион сўмлик даромад кўриш кўзда тутиляпти.

Яқинда вилоят фаоллари йиғилишида ёш раҳбар Баҳодир Охуновнинг тадбиркорлиги у етакчи бўлган жамоанинг ютуқлари тўғрисида фахрланиб гапиришди. Унга ҳам сўз беришганда бир оз тортиниб гапирди:

— Қўл меҳнати салмоғини қисқартириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, одамларни эса янги иш ўринлари билан таъминлаш, ислоҳотлардан асло чўчимаслик керак,—деди у. — Режа учун эмас, балки бозор учун маҳсулот тайёрлаш долзарбдир. Бу борада тўрачилик, лоқайдлик ва кўрқоқлик хавфлидир.

Ўша йиғилишда сўзга чиққан республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқов мустақиллигимиз тақдири ана шундай кишилар қўлида эканлигини, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кераклигини таъкидлади.

Яқинда йўлим Янгиқўрғонга тушди. Директорни идорадан топа олмадим. Уни юқори маҳаллада ўтаётган байрам тантаналарида деб айтишди. Шу куни Баҳодир билан суҳбатлашиш, ҳатто баҳслашишга ҳам вақт топилди.

— Сиз айтаётган ютуқлар билан қувониб бўлмайди, — деди у. — Ҳозирги даражага чиқиш учун ўз йўналишимизни тўғри белгилаб олдик, холос. Хўжаликдаги барча экин майдонлари ҳам, боғлар ҳам, ёрдамчи хўжаликлар ҳам юз фоиз ижарага берилди. Ерлар, боғлар тартибга келаётган бошлади. Ижарачилар ердан ёки боғдан фойдаланишда бир йилни эмас, балки кўп йилларни ўйлаб иш юрита бошладилар.

Энди гап ишлаб чиқариш унумдорлигини бир неча баробар кўтариш, юқори сифатга эришишдадир. Масалан, томат цехида унумдорлик ҳали юқори эмас. Бу ерда ҳозир атиги бир литрли банкаларда маҳсулот тайёрлаяпмиз. Турли тоифадаги харидор эса ҳар хил ҳажмдаги қадоқланган маҳсулотга буюртма беради. Масалан, йирик-йирик овқатланиш корхоналарига беш-ўн килолик идишда томат керак. Янги оилаларга эса икки юз граммли, ёки беш юз граммли идишлардаги маҳсулот кифоя. Цехларни такомиллаштириш, янги линияларни фойдаланишга топшириш йўли билангина шу мақсадларга эришиш мумкин. Консерва цехи бошлиғи Абдураҳмон Акрамов бу борада тинмай изланяпти.

Ҳозир биз мавжуд қувватлардан унумлироқ фойдаланиш йўлидан бораяпмиз. Томат цехига 50 киши жалб қилиниб, иш уч сменада ташкил этилди.

Буларнинг ҳаммаси одамларимизда эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамламоқда. Соҳиблик ғурури янада яхшироқ, унумлироқ ишлашга даъват этяпти. Улар моддий жиҳатдан рағбатлантириш омили ўз қўлларида эканлигини билишлари унумдорликни ошираётир.

Ижарачилар билан муносабатларимиз яхши йўлга қўйилди. Шартномада кўрсатилган маҳсулотдан ортиғини ижарачининг ўзида қолдирамиз. У хоҳласа бу маҳсулотни бизга сотиши, хоҳламаса бозорга олиб чиқиши мумкин...

Хўжаликда ёрдамчи цехлар талайгина экан. Иккита автомобиль созлаш устахонаси, иккита атлас тўқиш цехи, шолча ва арқон тўқиш корхонаси, ғишт заводи, дурадгорлик цехи хазинага пул тушириб, одамларни иш ўринлари билан таъминлашга ҳам имкон бераяпти.

Хўжаликда пойабзал, устки кийим-бош тикиш устахоналари ҳам ишлаб турибди. Маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари — сартарошлик, этикдўзлик устахоналари хизматидан одамлар мамнун.

Яқинда бу ерда кўнчилик цехи ишга тушди. Махсидан камзул, иссиқ куртка тикишга киришилди.

Консерва цехида синиб яроқсиз ҳолда қолган шиша идишлари арзон-гаровга бериб юборилмайди. Шиша бўлаклари шу ерда очилган махсус цехда эритилиб турли вазалар, кулдон, гулдонлар ясалади. Бу кичик цехлардан кўрилаётган даромад чакки эмас. Қарийб ўн беш миллион сўмликни ташкил қилади.

Фермер хўжаликлари оёққа тураётир. Ўн иккита фермер хўжалигига ўттиз гектарга яқин экин майдони ажратилган. Тадбиркор фермерлар гўшт, сут маҳсулотлари етиштиришда намуна кўрсатишяпти. Албатта, фермерлик ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Шу пайтгача ўн етти оилага берилган ер унумли фойдаланилмаганлиги учун қайтариб олинди.

Даромадга қараб буромад дейишади. Хўжалик хазинасига тушаётгган фойда ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишга, ободонлаштиришга, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга сарфланмоқда.

Биргина қонсерва цехи кўрган фойда ҳисобига қишлоқда 23 километрли газ тармоқлари қурилиб, 600 хонадонга зангори олов кириб борди. Деярли ҳамма ички йўллар асфальт қилинди. 420 ўринли мактаб мустақиллигимизнинг икки йиллиги байрами куни ўқувчиларни ўз бағрига олди. Шунингдек, иккита кўприк қурилиб аҳолининг узоғи яқин қилинди.

Баҳодир Охунов бу ишларни амалга оширишда ХДП бошланғич ташкилоти ва унинг котиби Абдумутал Султоновнинг ҳам ҳиссаси катталигини гапирди. Ҳозир бошланғич ташкилотда саксон нафар аъзо бор. Улар ҳам ислоҳотни чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш билан бирга ўзлари ҳам бу ишда фаоллик кўрсатишяпти.

Давлат хўжалиги маъмурияти ижарачиларнинг ички ишларига аралашмайди, фақат шартноманинг бажарилиши устидан назорат ўрнатган. Аммо зарур бўлса, ижарачиларга ёрдам кўрсатилади.

Она заминга соҳиблик ғурури... Бу ғурур она-юртга муҳаббат, ўз халқига садоқат туйғуларини тарбиялаши шубҳасиз. Ўзида соҳиблик ғурури бўлган кишиларгина эл-юртга камарбаста бўлиши мумкин. Негаки, улар ҳар қандай шароитда ҳам ишни ташкил эта биладилар. Қийинчиликларни сабр-бардош билан енгиб ўтадилар.

Суҳбатдошим, ёш директор — Баҳодир Охунов кўзларида ҳам худди ана шу соҳиблик туйғуси жилва қилаётганлигининг гувоҳи бўлдим.

**Фарҳод ЙЎЛЧИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Танишинг:

**«Ўзбекистон овози»нинг Наманган вилояти бўйича ўз мухбири Фарҳод ЙЎЛЧИЕВ**

Фарҳод ЙЎЛЧИЕВ Чуст тумани Олмос қишлоғида туғилган. Журналистика соҳасида 1971 йилдан бери фаолият кўрсатади. «Наманган ҳақиқати» газетасида бўлим мудири, Уйчи тумани ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгаши газеталарига муҳаррирлик вазифаларида ишлаган. Бир қатор публицистик мақолалари, шеърий ва насрий тўпламлари чоп этилган.

У «Ўзбекистон овози» газетасининг Наманган вилояти бўйича мухбири этиб тайинланди. Бугун укинг дастлабки мақоласини эълон қиляпмиз.

## • Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо тоқусидир

**Президентимиз ташаббуси билан жиноятчиликка қарши кураш мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг қулоч ёзди. Натижада жиноятчилик камайиб бормоқда. Яккабоғ туманида ҳам бу борада сезиларли ишлар қилиняпти. Чунончи шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида 61 нафар ашаддий жиноятчи қўлга олинди. Яккабоғ матлубот жамияти дўкончиси Бобомурод Шералиев қарийб 7 минг шиша ароқни яширин ва қимматига пуллаётганида қўлга олинди. «Авангард» матлубот жамиятига қарашли дўкон мудирларидан Муродилла Нарзиев ва Тўлқин Нормуродов бир неча миллион сўмлик молларни гумдон қилиб, сўнгра фойдасига пуллаётганларида ҳибсга олиндилар. 1993 йил 19 апрелда шаҳарда гуруҳ бўлиб, барқарор вазиятни бузишга уринган безорилар— Муродилла Қодиров, Ботир Шавриқов ва бошқалар тўдаси ушланиб, зарарсизлантирилди.**

**Тарбиясизликдан талтайиб, ота-оналарининг мансаби, обрўйидан ҳаволаниб юрганларга «соябон»лари ҳам ёрдам бера олмади. Ўта кетган безорилар — Бекзод Эштўхтаров ва Искандар Бозоров навбатдаги жиноятлари—вояга етмаган Нафосатхон ва Барчиной исмли қизларга зуғум ўтказаётган пайтларида қўлга олиндилар. Ғафур Мўминов деган номус ўғриси, Шодмон Диёров исмли мулк ўғриси ва бошқа «эркатой»лар камоққа олиниб, жавобгарликка тортилдилар.**

**Куни кеча узоқ вақтлардан буён қидирилаётган уюшган жиноятчилар тўдаси қўлга туширилди. Акром, Норхўжа исмли ака-укалар бошлиқ гуруҳ безорилик, қотиллик жиноятлари учун қамоққа олиндилар...**

**Айнан прокуратура терговида эса ўтган ва бу йил бирорта жиноят очилмасдан қолмади. Шу боис туманда жиноятчиликка қарши қандай самарали кураш олиб борилаётганлиги хусусида Яккабоғ тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси Б. МЎМИНОВ билан суҳбатлашдик.**

# ТАЗЙИҚҚА ЗАРБА

— Бизнинг туман мураккаб туман ҳисобланади. Шунга қарамай ўтган икки йил мобайнида жиноятчилик камайди. Буни рақамлар тили билан айтганда, 1990 йилда 319 та жиноят содир этилган бўлса, 1992 йилда эса 287 та жиноят рўй берган. Шу йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида ҳам оғир турдаги жиноятлар камайди. Фақат икки турдаги жиноятчилик яъни мол-мулкни ўғирлаш ва савдодаги суиистеъмолликлар кўпайди. Айни пайтда барча диққат-эътиборни шу масалаларга қаратмоқдамиз. Савдодаги ўғирликлар фош этилмоқда. Ўтган беш ойда савдодаги суиистеъмолчилик бўйича 22 та жиноят иши очилди.

**— Мисоллар келтира олмайсизми?**

— Райондаги «Авангард» матлубот жамиятига қарашли 1-озиқ-овқат дўкони мудири Муродилла Нарзиев 1 миллион 51 минг сўмлик харидоргир молларни яшириб қўйган экан. Унинг сири очилиб, ҳибсга олинган эди. Куни кеча суд олдида жавоб берди... Эркин нархли буюмлар дўкони мудири Тўлқин Нормуродов ундан ҳам ошиб тушди. У 5 миллион сўмликдан зиёд (икки хил нархдаги ҳужжатлар билан) ноёб молларни яширган. Бу юлғич ҳам қамоққа олинди.

Шунингдек, давлат мулкини ўғирлаб, мўмай пул топиш иштиёқида юрганлардан бир нечтаси тумшуғидан илинди. Янгибоғ қўрғончасидаги кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш корхонасининг механики ёнилғи тарқатувчиси Ризо Эшпўлатов 1770 литр бензинни чироқчилик З. Муҳаммадиев ва И. Авазовларга мўмай пулга сотаётганда ўзи ҳам «чайқалиб» кетди. Бензинфурушлар қўлга тушди. Аммо суд уларга енгил жазо берди. Ахир, бензинфурушлар давлатга 51.554 сўм зарар етказган эди-да! Прокуратура суд ҳукмидан норози бўлиб протест берди. Ҳозир бу иш судда қайта кўриляпти.

**— Жиноятчиликка қарши кураш қанча кучайса, унинг акс садоси ҳам шунчалик бўлади, дейишади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан район прокуратураси бу борада қандай маҳаллий тўсиқларга дуч келмоқдалар?**

— Биз ҳуқуқшунослар қонун барчага баробар, деган ақидага бўйсунамиз. Лекин ҳокимликдаги айрим раҳбарлар баъзи жиноятларни хаспўшлашга, қонунларни айланиб ўтиб, жиноятчиларга ёрдам беришга ҳаракат қиладилар. Масалан, савдо ишидаги жиноятлари учун қамалганларни 15 дан ортиқ хотин-халаж ҳимоя қилиб, прокуратурага бостириб киришди. Улар ҳибсдагиларни бўшатиб юборишни талаб қилдилар. Бу ишни юқори ташкилотларимиз кўриб чиқишиб, уларнинг талабини нотўғри деб топди ва тартиббузарларга қарши чора кўрилди. Худди шунингдек, бундай воқеа ўтган йили 28 ноябрда ҳам бўлган эди... 29 августдан 30 августга ўтар кечаси У. Мирзаев номли жамоа хўжалиги раиси, район кенгаши депутати Тошпўлат Бойқулов ҳовлида бола-чақаси билан ухлаб ётганида болта билан чопиб ўлдирилган. Район ички ишлар бўлими ва прокуратура ходимлари ҳамкорликда ишлаб, 22 кун деганда қотилни топдилар. Қотил қўлга олинди. Азим Эшқобилов бўлиб чиқди. Суд уни 15 йилга озодликдан маҳрум этди... 28 ноябрь куни эса унинг хотини ўқитувчи Шаҳрибону Мавлонова ҳам 30 нафар оломон билан халқ депутатлари район кенгаши сессиясига бостириб кирмоқчи бўлди. Улар жиноятчини қамоқдан чиқариб юборишни талаб қилдилар. Биз уларга тушунтириш ишлари билан таъсир ўтказдик... Бундай чиқишлар олдида нопок кимсалар турганини беш қўлдек аён... Лекин биз ҳар қандай шароитда ҳам адолат юзасидан қонуннинг устиворлигини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Ҳар қандай маҳаллий тазйиқ ўз зарбасини олмоқда. Яқинда бўлиб ўтган район Кенгаши сессиясида жиноятчиликка қарши кураш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишидаги камчиликлар кескин танқид қилинди. Шунингдек, сессияда маҳаллий раҳбарларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишига аралашуви, тазйиқ ўтказиш ҳам кескин қораланди. Чунончи, бунга асослар бор эди. «Ҳисор» давлат хўжалиги собиқ директори Жўрақобил Норқобилов, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Бердимурод Тўхтаевларни ноҳақ ишдан олиб, уларнинг ўрнига ўз танишбилишлари ва қариндошуруғларини қўйишга ҳаракатлар бўлган эди. «Турнабулоқ» давлат хўжалиги директорини ҳам ишдан олиб ташлашга катта уринишлар бўлди. Лекин прокуратуранинг аралашуви билан ҳақ жойида қарор топди.

**— Бўри Мўминович, эсингизда бўлса газетамизнинг 1993 йил 22 январь сонида «Арслондек ўғлимдан айрилдим», 1993 йил 18 май сонида «Фалокат» сарлавҳали мақолаларда муштарий Поён Рўзиев прокуратура, милиция ва шахсан сизнинг номингизга жиноий ишнинг чўзилиб кетганлиги тўғрисида эътирозлар билдирган эди. Чунончи, унинг ўғлини ўз машинасида босиб кетган М. Холиёров жазоланмай қолган...**

— Ҳақиқатан ҳам ички ишлар органлари тергови жараёнларида бундай камчиликлар учраб турибди. Масалан, ўтган йили туман ички ишлар бўлими терговчисининг иккита қарори, суриштирувчининг 6 та қарори бекор қилинган эди. Ички ишлар бўлими терговчиси А. Эшқулов ҳам юқорида тилга олинган жиноий ишни юзаки кўрган. Республика суд экспертизалари илмий-текшириш институтининг Қашқадарё вилояти шаҳобчаси автотехник экспертининг 1992 йил 20 февралда 30/13 рақамли хулосасида М. Холиёровнинг айби йўқ деб кўрсатганига қониқмай, биз ишни иккинчи марта республика суд-экспертизаси илмий-текшириш институтида аниқлашни терговчидан талаб қилган эдик. Лекин терговчи А. Эшқулов республика илмий-текшириш институтининг эксперти «олдинги эксперт хулосасининг нотўғрилиги нимадан иборат эканлигига баҳо берилмаган, шу сабабли такрорий экспертизанинг ҳожати йўқ», деган хатига лаққа тушиб, ишни ёпиб қўя қолган. Жабрланувчи эса бизга бошқа шикоят қилмаган. Аммо биз газетангизнинг 22 январь сонида «Арслондек ўғлимдан айрилдим» мақоласи орқали аҳволни билгач, жиноят ишини қайта кўриб чиқдик. Терговчининг асоссиз ва шошма-шошарлик билан чиқарган қарори бекор қилинди. Бу иш билан айнан прокуратуранинг ўзи шуғулланиб, М. Холиёровнинг айби исботланиб судга берилди. Қашқадарё вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати 1993 йил 8 апрелда уни беш йилга озодликдан маҳрум этди. Республика Олий суди бу ҳукмни тасдиқлади. Шу ўринда мен газетага ҳам раҳмат айтмоқчи эдим.

**— Бўрибой ака, шу йилнинг 6 июль куни туман ҳокимлиги сизнинг фикр-номангизни муҳокама қилиб, тўла маъқуллабди. Унга асосан нима ишлар қилиняпти?**

— Айни пайтда биз келтирган фактлар асосида ижтимоий, ҳуқуқий вазиятга салбий таъсир этаётган бир қатор раҳбар ходимлар қаттиқ жазоландилар. Улар орасида туман алоқа бўлими бошлиғи Қўқон Ёров, «Лада» акционерлик жамиятининг раиси Дамин Худойбердиев, туман шифохонаси бош табиби С. Худойқулов, нефть маҳсулотлари корхонаси бошлиғи Искандар Маҳмудов, туман матлубот жамиятининг раиси Искандар Бўриев, «Авангард» матлубот жамияти бошқарувининг раиси Қиёмхон Файзуллаев, шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари иттифоқининг раиси Даврон Шовриқов, Яккабоғ шаҳар ижроқўми раиси А. Шовриқов, агросаноат—деҳқон бирлашмаси раиси ўринбосари Қ. Мўминов ва бошқа масъул шахслар бор.

Хуллас, ҳокимлик прокурор ташаббусини қўллаб-қувватлаб, туман ички ишлар хизмати ва савдо тармоқлари ходимлари шахсини батафсил ўрганиб чиқиш ва сафлар софлигига эришиш хусусида қарор қабул қилди. Прокуратура ва ички ишлар бўлимининг кенг кўламли тадбирлар ўтказиш хусусидаги ташаббуслари асосида туманда жиноятчиликка қарши кураш учун сафарбарлик бошлаб юборилди. Ҳаракати ва турмуш тарзи шубҳали бўлган ўнлаб шахслар чиғириқдан ўтказилди, кузатув остида бўлган хонадон ва жойларда тинтувлар ўтказилди. Оқибатда улардан ноқонуний сақланаётган ўқотар ва портловчи қуроллар, кўп миқдорда наркотик моддалар ҳамда спиртли ичимликлар, ноёб моллар тортиб олинди. Туман прокуратураси аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган фармон ва қарорларнинг оғишмай бажаришга ўз диққат-эътиборини қаратмоқда, ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш учун ўз куч ва имкониятларини тўла сафарбар этмоқда.

**Суҳбатдош**
**Тўхтамурод ТОШЕВ.**

## ДУНЁДАГИ ВОҚЕАЛАР ҲАҚИДА ХАБАРЛАР

# ХАЛҚАРО КУЗГУ

### АФҒОНИСТОННИНГ АСОСИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

**● Афғонистон Ислом бирлиги партияси (АИБП) расмий вакили мамлакатнинг Қобулда ишлаб чиқилган асосий қонун лойиҳасини шарҳлар экан, «жамиятдаги барча гуруҳлар манфаатлари ҳисобга олинмаган Афғонистоннинг ҳар қандай конституцияси оғир оқибатларга олиб келади», деди.**

Вакил Эроннинг ИРНА ахборот маҳкамаси мухбири билан суҳбат чоғида конституция лойиҳасини ўз партиясидан ташқари Абдурашид Дўстимнинг Миллий ислом ҳаракати ва Аҳмад Гейлоний раҳбарлигидаги Афғонистон Миллий ислом жабҳаси партияси ҳам танқид қилаётганини айтди.

Мамлакатнинг асосий қонун лойиҳасини Афғонистон озодлиги учун Ислом иттифоқи партияси раҳбари Расул Сайёф ишлаб чиқиб, кўриб чиқиш учун Президент Бурҳониддин Раббонийга тақдим этди. У тор маҳзабчилиқ ғояларига асосланган бўлиб, Афғонистонда яшаётган этник гуруҳлар манфаатларини акс эттирмайди, деди АИБП вакили.

### БОЛГАРИЯ НАТОГА АЪЗО БЎЛМОҚЧИ

**● Болгария мудофаа вазири Валентин Александров Шимолий Атлантика иттифоқининг Афинада бўлиб ўтаётган 39-ассамблеясида сўзга чиқиб, мамлакатининг НАТОга аъзо бўлиш истагида эканини маълум қилди.**

«НАТОга аъзолик Болгариянинг миллий хавфсизлигини кафолатлабгина қолмайди. Мамлакатнинг минтақадаги хавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшиш масъулиятини ўз зиммасига олишга тайёрлиги ҳамда қодирлиги муҳим аҳамиятга эгадир», деди В. Александров.

Унинг айтишича, Софиянинг Туркия ва Греция билан яхши қўшничилик муносабатлари «Болқонда хавфсизлик учбурчаги» яратилишига кўмаклашган бўлар эди.

Афина анжуманида НАТОга аъзо бўлган давлатларнинг 400 га яқин юқори мартабали вакили иштирок этмоқда.

### СУРОВ ЯКУНЛАРИ

**● Қора денгиз флотида хизмат қилаётган ҳарбийлар ўртасида ўтказилган сўров яқинда якунланди.**

РАТА—ТАСС мухбирининг Севастополдан хабар қилишича, сўровда иштирок этган матрослар, мичманлар ва офицерларнинг 94 фоизи флотнинг Россияга тегишли бўлиши тарафдоридир.

### ҚУШИНЛАР ЧЕГАРАГА ЧИҚДИ

**● Сочи. РАТА—ТАСС мухбирининг хабар беришича, Абхазия қуролли тузилмалари Очамчир ва Гали шаҳарларини қўлга олгач, Ингури дарёси ёқаси бўйлаб Абхазия чегарасига чиқди.**

Республикада мураккаб вазият ҳамон сақланиб турибди. Сухуми, Очамчир ва Гали туманларида айрим грузин қуролли гуруҳлари ҳаракат қилмоқда. Грузин ҳарбий хизматчиларининг бир қисми яшириниш мақсадида тоғларга чиқиб кетаётир.

### ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ДАВОМ ЭТАДИ

**● Киев. Украина Президентининг таъкидлашича, хуфёна иқтисодиётнинг молия оборoти ҳукуматники даражасига яқинлашиб бормоқда.**

Маълумки, Леонид Кравчук ижроия ҳукуматга бевосита раҳбарликни ўз зиммасига олди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида у «Украина иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидан бораверади» деди.

### ЛОЙИҲА ҚУВВАТЛАНДИ

**● АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси 1 октябрдан бошланадиган 1994 молиявий йили учун мамлакат ҳарбий бюджети лойиҳасини қўллаб-қувватлади.**

Лойиҳада келгуси йилги ҳарбий харажатлар учун 263 миллиард доллар сарфланиши кўзда тутилган.

### КУНИГА 24,52 МИЛЛИОН БАРРЕЛ

**● Нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотига (ОПЕК) аъзо бўлган 12 давлат вакиллари яқин ярим йил ичида кунига қазиб олинадиган нефть миқдорини 24,52 миллион баррелдан оширмасликка келишиб олишди.**

### ҲИНДИСТОНДА ЗИЛЗИЛА РЎЙ БЕРДИ

**● Ҳиндистон ғарбидаги Махараштра штатида рўй берган кучли зилзила оқибатида 15 минг киши ҳалок бўлди, минглаб киши жароҳатланди.**

Яна 10 мингдан зиёд киши харобалар остида қолгани тахмин қилинмоқда. РАТА—ТАСС мухбирининг хабар қилишича, зилзила маркази Латур мавзесида бўлиб, ер силкиниши Рихтер ўлчами бўйича 6,4 баллни ташкил этган.

**(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).**

«Ўзбекистон овози»нинг

75 йиллигига

# Ўзбекистон — ватаним менинг... Конкурсимиз

## Маматқул Ҳазратқулов ижодхонасида

# БУ КУНЛАР ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

### МУСТАҚИЛЛИК ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

● Республикамиз Президентининг Туркияга, Хитойга, Австрияга, Эрон, Покистон, Жанубий Қурия, Малайзия, Миср ва бошқа мамлакатларга сафарини кузатиб ич-ичимдан суюнаман. Бугун Ўзбекистон раҳбари ҳеч кимдан сўрамай, дунёдаги истаган давлат раҳбари билан келишиб, ўша юртга расмий ташриф билан бормоқда. У киши тушган самолётнинг ёнига каттакатта ҳарфлар билан «Ўзбекистон» деб ёзилган. Ва бу тайёра Тошкентдан тўғри ер куррасининг турли мамлакатлари пойтахтига учмоқда.

Шу кунларга етганимиз рост бўлсин!

Қанотига «Ўзбекистон» деб ёзилган, бағрига ҳур Ўзбекистон давлат делегациясини олган тайёранинг парвози баланд, сафари бехатар бўлаверсин!

26. 12. 92 й.

* * *

● 1980 йилда Озарбойжондан Ашраф Иброҳимов деган ёзувчи дўстим Ўзбекистонга хизмат сафарига келди. Ишларини битказгунча у бизникида турди. Ҳар оқшом Ашраф билан узоқ суҳбатлашдик.

Бу гурунгларимиздан бирида Ашраф бундай деди:

— Биласанми, Маматқул, менинг энг асосий орзуим юртимни озод, мустақил бўлганини кўриш. Агар ўша кунни кўриб ўлсам — армоним қолмайди бу дунёда... Лекин... бу кун қачон келади!.. Бизга-ку кўриш насиб этмаса керак, лоақал фарзандларимиз кўрса ҳам рози эдим.

Кейин қизил империянинг нақадар мустаҳкамлиги, республикаларни ўз чангалидан ҳа деганда қўйиб юбормаслиги ҳусусида бир-биримизга узоқ гапирардик. Юртларимиз том маънода ўз тақдирини ўзи белгиласа, бировнинг кўрсатмасисиз ҳал қилсак ҳамма ишларни, дунё мамлакатлари билан бевосита ўзимиз алоқа қилсак... Шунга ўхшаган ширин ҳаёлларни эримай сўзлардик.

Бир-биримизга гапирамизу назаримизда гўё у менга озарбойжон, мен эса унга ўзбек халқ эртакларидан айтиб бераётгандай бўламиз.

Тарих ғилдирагини қарангки, шу суҳбатимиздан сўнг орадан кўп вақт ўтмади — атиги ўн йилдан сўнг менинг ҳам, Ашрафнинг ҳам юрти мустақил бўлди, том маънода ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қиладиган, дунё мамлакатлари билан бевосита ўзимиз алоқа боғлайдиган бўлдик...

Яшаган умримдан нолимайман. Худога шукр, қувончли кунларим ҳам кўп. Аммо умримнинг энг азиз, юлдузли кунларидан айримларини алоҳида таъкидлагим келади. Булар — Ўзбекистон Мустақил Республика деб эълон қилинган, халқимиз биринчи марта ўз Президентини сайлаган кунлар, мустақил мамлакатимизнинг ўз Байроғи, Герби, Конституцияси ва Мадҳияси қабул қилинган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти пештоқида Ўзбекистон байроғи кўтарилган кунлар.

Мана шу тарихий воқеаларни кўриш, нанки кўриш, балки, ўша тарихий маросимларда иштирок этиш бахтига муяссар бўлганим учун тақдиримдан миннатдорман.

* * *

● Бугун Абдулла Орипов билан узоқ суҳбатлашдим. Ўзбекистон Давлат мадҳияси (гимни) унинг сўзи, Мутал Бурҳонов мусиқаси билан қабул қилинди. Мен шу қувончли воқеа билан қутлаб борган эдим. Шу боис суҳбатимиз мавзуи асосан мустақиллик ҳақида бўлди. Энди давлатимизнинг ўз атрибутлари бор, яъни Байроқ, Герб, Гимн ва Конституция. Тўғри, олдин ҳам бу атрибутлар бор эди, аммо уларнинг ҳаммаси собиқ СССР байроғи, герби, гимни ва конституциясининг бир бўлаги каби эди. Энди худога минг қатла шукрки, ҳаммасини ўзимиз, ҳеч кимнинг кўрсатмасисиз, мустақил яратдик.

Шулар ҳақида гаплашиб ўтирар эканмиз, Абдулла Орипов:

— Юртимизга энди сира ҳам бировнинг байроғи, герби, гимни, конституцияси кирмасин, — деди.

Шу маҳал мен унинг кўзларида ёш кўрдим.

— Узр, ўзимни тутолмадим, — деди шоир. — Ахир, Маматқул, ўзингиз биласизку, бизни қанчалар камситишди, оёқости қилишди... Не-не буюклармизнинг бошига етишди... — Кейин бир тин олди, кўз ёшларини артди. — Гапираман десак гап кўп. Шунинг учун бу кунларнинг қадрига етайлик. Оллоҳга минг бора шукроналар билдирайлик... Мустақиллигимизни мустаҳкамлашда ҳар биримиз юртимиз раҳбарига амалий ёрдам берайлик...

Шоирнинг кўзёшларида яқин ўтмишнинг аччиқ изтиробларию бугуннинг қувончлари мужассам эди.

23. 12. 92й.

ҚАТРАЛАР

### ҚУЛФ

Область партия комитетининг иккинчи котиби барча ҳашарчиларнинг раҳбарларини йиғиб, пахтанинг аҳамияти, унинг бир мисқолини ҳам қолдирмай териб олиш зарурлиги ҳақида узоқ гапирди. Барчани фидокорона меҳнат қилишга чорлади. Йиғилиш сўнгида театр директорини олиб қолди.

— Хўш, ўртоқ Олимов, артистларимиз пахта теримига чиқмайди, деган эмишсиз. —деди котиб айёрона кулиб. Олимов ўзини қўлга олиб, иложи борича вазмин гапирди:

— Ҳа, шундай девдим... Биз терган арзимаган пахта билан бир нима ўзгарармиди. Ундан кўра пахтакорларга, ҳашарчиларга хизмат қилсак... Яхши-яхши концертлар, спектакллар кўрсатсак маъқул эмасми...

Унинг гапи оғзида қолди. Котиб шарт кесди:

— Маъқул эмас! Ҳамма ўзини олиб қочаверса пахтани ким теради!! Пушкини! Ёнида ўтирган ёрдамчисига буюрди:

— Бор, бунга атаб олиб қўйган совғани олиб чиқ.

Ердамчи бир қоғоз қути келтириб театр директорига узатди. Қутига қулфнинг сурати туширилган эди. Олимов ҳайрон бўлиб турганди, котиб беўхшов илжайди.

— Ажабланма, бу ростданам қулф. Ҳозир театрингга бор-да, унинг эшигига шу қулфни ос. То пахта терими тугагунча унга калит солмайсан. Ўзингдан бошлаб қоровулинггача, артист-партистинг — ҳамманг далага чиқиб пахта терасан. Тушунарлими! Акс ҳолда бу қулф театр эшигига эмас бошқа жойга тушади. Англагандирсан-а!

Директор индамай эшик томонга юрди. Бир неча дақиқадан сўнг нимаанингдир «пақ» этган товуши эшитилди.

Олимовнинг қўлидан қулф тушиб кетган эди...

1985 йил, октябрь.

Таниқли ёзувчи Маматқул Ҳазратқулов 1947 йилда Ургут туманидаги Минг булоқ қишлоғида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1965 йилда Тошкентдаги қурилиш бошқармасидан оддий ишчиликдан бошлаган. Тошкент Давлат университетида ўқиб юрган йиллардаёқ «Ўзбекистон маданияти» газетаси таҳририятида иш бошлаган. Кейинчалик «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасига айланган мазкур нашрда М. Ҳазратқулов ўн йил масъул котиблик вазифасини бажарди. Сўнгра партия ва бошқарув идораларида фаолият кўрсатди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот агентлиги бош директори вазифасида ишламоқда.

Маматқул Ҳазратқулов бир қатор насрий тўпламлар муаллифи. Шунингдек, унинг бир неча пьесалари ойнаи жаҳон ва театр саҳналарида қўйилган. Бугунги сонда ёзувчининг публицистик йўналишдаги асарлари тақдим этилмоқда.

### КИМ ЙИҒЛАШИ КЕРАК!

Болалигимда отам бир воқеани гапириб берган эдилар.

Қимматчилик, очарчилик йиллари. Бир қишлоқдан икки киши далада қўш ҳайдар экан. Уларга тушлик қилиш учун битта косада овқат олиб келишибди.

У замонларда қошиқ камроқ бўлганми, битта қошиқда икки киши навбатма-навбат овқат ичишган. Қўшчилардан бири ўта муғомбир бўлиб, иккинчиси соддагина экан. Айёр қўшчи бундай қараса, овқат кам, иккаласи тўймайди. Дарров шумлик йўлига ўтибди.

— Менга қара, — дебди шеригига, — сен икки қошиқ, мен икки қошиқ ичиб ўтирамизми. Кел, ундан кўра ўн саккиз қошиқдан ичари қиламиз. Аввал мен ўн саккиз қошиқ ичаман, кейин сен.

Содда қўшчи бу гапга лаққа тушипти.

Шундай қилиб, биринчи қўшчи овқат ича бошлабди. Буни қарангки, овқат ўн олти қошиқда тамом бўпти. Овқат етмай қолган иккинчи қўшчи йиғлапти. Унга биринчи қўшчи нима дермиш денг!

— Менга-ку икки қошиқ етмади, мен йиғламай, сен нимага йиғлайсан!

Бу гапдан ҳушёр тортган содда қўшчи кўз ёшини артиб дебди:

— Рост айтасан, мен нимага йиғлаяпман ўзи...

Айрим «ишбилармон»ларни кўриб, уларнинг ҳатти-ҳаракатларини кузатиб, мазкур ҳикояснни бот-бот эслайман.

1992 й.

### БУЮКЛАР ДОИМО ЁНИМИЗДА

Бир олим Бедилнинг бир рубоийсини таҳлил қилиб ўзича ундан ўн икки хил маъно топади. «Бедилнинг ўзи ҳам бунча маъно борлигини билмаган бўлса керак», деб суюнади ва турли давраларда, суҳбатларда бу ҳақда гапириб мақтанади.

Бир оқшом ўша олимнинг тушига Бедил киради. Шоир унинг ёқасидан олиб дермиш: «Мен назарда тутган маънога яқинлашганинг ҳам йўқ. Мунча ҳар жойда мақтаниб юрибсан».

Эрталаб турса, лабларига учуқ тошиб кетибди. Олим ўша куниёқ беш-олтита чолни чақириб, ош қилиб берибди, унинг савобини Бедилга бағишлабди. Буни чолларга ҳам айтиб, Бедилнинг арвоҳи учун дуо қилинглар, дебди. Шунда чоллар дуо қилибдилар:

— Тушингдан Бедил аримасин, оллоҳу акбар!

* * *

«Ҳамлет» фожиасидаги гўрков ролининг машҳур ижрочисини ғамгин ҳолда кўрган театршунос бунинг боисини сўрайди.

— Бугун тушимда Шекспирни кўрдим, — дейди актёр.

— Шекспирни! — ҳайратланади театршунос. — Жуда зўр-ку!

Актёр чуқур уҳ тортади.

— Зўрликка зўр-а, аммо гап бошқа ёқдада... «Э, фалончи, деди Шекспир, сен ғоят буюк актёрсан. Гўрков ролини мен тасаввур қилганимдан ҳам ошириб ўйнаяпсан. Шу ролда неча юз марта саҳнага чиқдинг. Бироқ қани сенинг шогирдинг! Нега шу ҳақда ҳеч ўйламайсан!». Мен жим қолдим. Чунки Шекспир ҳақ эди...

Орадан икки ойлар ўтгач, бояги театршунос театрга тушиб «Ҳамлетни кўради. Гўрков ролида ёш бир актёр чиқади. Бу ўша машҳур санъаткорнинг шогирди эди.

Улар — устоз-шогирд бир неча йиллашиб бу ролни алмашиб ижро этиб юрдилар. Устози оламдан ўтгандан сўнг шогирди узлуксиз чиқди бу ролда. Аммо у ҳам шогирд тайёрлаяптими-йўқми — буниси Шекспирга маълум!

1978 й.

*Барҳаёт анъаналар*

# КУН ВА ТУН ТЕНГЛАШСА...

**Ҳаётимизда кўп нарсалар қатори меҳр-шафқат, мурувват, ҳамдардлик каби ажойиб инсоний фазилатлар ҳам камёб бўлиб қолмоқда. Ана шундай бир пайтда юртимизда халқимизнинг қадимий анъанавий байрамлари Наврўз, Катта ва Кичик ҳайитлар ҳамда «Меҳржон»нинг тикланиши ва нишонлана бошланганлиги қувонарлидир.**

«Мен доимо сайилларга эҳтиром билан қарардим», — деб ёзиб қолдирган эди соҳибқирон Амир Темур. Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда мустақиллик байрамини катта халқ сайиллари тарзида нишонланиши халқимизнинг ўзлигини англашга, қадимий унутилган халқ сайиллари ва байрамларини тиклашга замин бўлди. Мустақилликнинг нурли шарофати туфайли меҳр-мурувватни сақлашга, одамларнинг бир-бирларига оқибатли бўлишга даъват этилди. Байрам ва ҳайитлар туфайли миллатнинг қадди ростлана бошлади, келажаги буюк давлат эканлигига умид боғланди.

Халқ байрамларининг тикланиши халқнинг кайфияти ва руҳиятини кўтаринки сақлаб туришга хизмат этувчи кўргазмали амалий воситадирки, буларнинг заминида тинчлик, инсонпарварлик туйғулари жамулжамдир.

Аллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинким, юртимизда адолат нурлари балқиб чиқди. Мана икки йилдирки, республикамиз мустақил давлат сифатида жаҳон саҳнига ўзининг қадди-қоматини рўй-рост кўрсатмоқда. Асли бобо деҳқонимизнинг саҳоват байрами, мустақиллигимизнинг шукроналик байрами «Меҳржон» истиқлолнинг давоми сифатида юртимизга кириб келмоқда. Қадимда олтин кузнинг дебочаси сифатида мезон ойида қарши олинган «Меҳржон» байрами 1990 йилдан бошлаб диёримизнинг кўпгина вилоят ва туманларида яна қайта нишонлана бошланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1992 йилнинг апрель ойида Максим Горький номидаги маданият ва истироҳат боғини «Меҳржон» боғи деб аташга қарор қилди. Яхшиликнинг шарофатини қарангки, Тошкентнинг Чилонзор туманидаги бир катта маҳалла ҳам «Меҳржон» деб номланди. Қоларверса, Ўзбекистон Давлат «Мерос» дастурида «Меҳржон» байрамини Наврўз каби нишонлаш алоҳида таъкидланди.

Барибир кўпчилигимиз учун бу байрам гўё янгидан кашф этилгандай туюлади. Аслида эса унинг бой тарихи бор.

Яхшиси, шу ҳақда икки калима сўз айтмоқ жоиз: қадимда Наврўзнинг давоми — «Меҳржон» байрамлар орасида энг каттаси бўлиб, у бир неча ой давомида Она заминга, меҳнаткаш деҳқонга таъзим сифатида нишонланган.

«Меҳржон» мезон ойида ўтказиладиган қадимий халқ сайилларидан ҳисобланади. Бу байрам элларнинг орзу-умиди, тилак ва ниятларининг шоён натижаси, ижобати сифатида нишонланиб келинган. «Меҳржон» халқ сайли тўғрисида ўтмиш донишмандларнинг рисолаларида маълумотлар келтирилган. Жумладан, Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» деб аталган нодир асарида кўҳна Турон, Эрон, Рум ва Афғонистон халқларининг табиат ҳодисалари билан боғлиқ ўша даврнинг доно кишилари томонидан кашф этилиб, турмушга сингдирилган урф-одатлари ҳақида бебаҳо маълумотлар беради, уларни илмий таҳлил этади.

Халқларимиз қадимда Наврўзни нафақат баҳорда, балки унинг давоми сифатида кузда ҳам «Тиргон», яъни «Рўзи тир», «Меҳржон»ни (Хоразмда — Чирируч», сўғдийларда «Ним сарда» деб аталган) нишонлаганлар. Берунийнинг юқорида тилга олинган асарида ёзилишича, «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, «Наврўз» ва «Меҳржон» заминнинг икки кўзидир».

Баҳорда — Наврўз ойида орзу ва ниятлар баён этилади. Меҳржон» ана шу олийжаноб режаларнинг ижросидир. Аллома бу икки мавсум байрами ҳақида ҳикоя қилар экан, баҳор билан кузда кун ва туннинг икки марта тенг келишини эсга солади. Демак, Наврўз 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси нишонланса, «Меҳржон» бу йил 25 сентябрдан 26 сентябрга ўтар кечасидан бошланди.

Шарқнинг мутафаккир шоирлари — Рудакий ва Фирдавсий, Умар Ҳайём, Ҳофиз, Жомий ва Навоийлар ижодида Наврўз мадҳ этилгани сингари «Меҳржон» тўғрисида ҳам ажойиб байтлар битилган. Жумладан; Рудакий «Меҳржон»ни таърифлаб ёзган ғазалларидан бирида шоҳга мурожаат қилиб, «Меҳржон» байрами яқинлашгани, бу байрам шоҳу гадо учун баравар эканлигини таъкидлаган, деҳқон хизматини улуғлаган.

Ота-боболаримиз «Меҳржон» кунларида дала ва боғларга, узум ва қовун сайилларига чиққанлар, қавм-қариндошлар бир-бирларини йўқлаганлар. Бир-бирларига эҳсонлар ато этганлар. Қарияларга совғасаломлар олиб борганлар, озуқаларини ғамлашга киришганлар. Уй-жойларини қишга тайёрлаганлар. Қабристонларни зиёрат этиб, хас-чўпдан тозалаганлар, нураган жойларни суваганлар. Аразлашганлар яраш-яраш қилиб, гина-қудратни ўртадан кўтариб ташлаганлар. Ўтган авлод-аждодлар ёдга олинган. Бозорларда, сайилгоҳларда олтин куз неъматлари савдоси ташкил этилган. Қўчқор ва бедана, хўроз уриштирганлар. Полвонлар куч синашган, аскиябозлик авжига чиққан. Кун ва туннинг тенглиги маъносида ўша куни барча табақа ва мансабдаги кишиларнинг тенг эканлиги тарғиб этилиб подшолар, вазирлар, хуллас, амалдор шахслар оддий кийимларда халқ билан бирга хушчақчақлик қилганлар.

Бундай тадбирлар қадимда одатий бир тус олган эди, — деб хабар қилинади ўша манбаларда. Берунийнинг ёзишича, «Меҳржон» номи билан боғлиқ байрам қадимда машҳур бўлган ва у ой номи билан мувофиқлаштирилган.

«Меҳржон» — Она заминнинг саховати, инсонга мурувватн демақдир.

Муҳтарам юртдошлар! Мана, юртимизда яна бир айём — меҳр-шафқат байрами «Меҳржон» қалбларимизга кириб кезиб юрибди. Бу улуғ мамлакатимиз Ўзбекистон учун миллий тафаккур анъаналари бизга яна бир неъмат ато қилинаётир. Келинг, қадим халқимизнинг мурувватга ошно байрамини турфа хил таназзулларга қасдма-қасд сидқидилдан, кўнгил кенглигига яраша кутиб олайлик.

**Билол АМИНОВ,**
**Ўзбекистон халқ академиясининг аъзоси, тарих фанлари номзоди.**

ОЛДИН САЛОМ, КЕЙИН КАЛОМ.
**П. АКБАРОВ** сурат-лавҳаси.

# ТУШ

Қ ЎШИҚ эшитмайдиган одам йўқ. Каттадир-кичикдир — ҳамма ашула тинглайди. Аммо ким қандақа қўшиқни севади: бировга замонавий ашула ёқса, бошқага халқ қўшиқлари, яна кимдир классик ашулаларимизни мириқиб эшитади.

Ҳозирги кўпчилик болалар эстрада, ҳаттоки чет эллик хонандаларнинг ашулаларига ишқивоз.

Дониёр ҳам шу болаларнинг бири. Эртадан кечгача эшитадигани хорижий хонандалар.

Унинг етмишдан ошган буваси бор. Дониёр магнитафонни баланд қўйиб ўзи яхши кўрадиган хорижлик хонанданинг ашуласини эшитиб ўтирганида буваси бир неча марта танбеҳ берган.

— Ҳа, болам, бунинг нима деб ҚИЧҚИРАЯПТИ. Одам тушунадиганидан қўйсанг-чи. Ким ўзи бу?

Дониёр бувасининг бўйнига эркаланиб осилади-да. ўзиям яхши билмайдиган ашулачини мақтай бошлади:

— Эй, буважон, сиз билмайсиз-да. бу жуда зўр ашулачи Оти Тото Кутуньо.

Бувасининг энсаси қотади:

— Бунча ҳунук экан оти. Одамди отиям шунақа бўладими.

Бувасининг соддалигидан Дониёр кулади. Сўнг ирғиб туриб, магнитафонни ўчиради-да, бошқа кассетани қўяди. Буниси олдингисидан ҳам баттар қичқиради.

— Буям шуни ўзи-ку.

Дониёр қиқирлаб кулади:

— Йўқ, буважон, бу Майкл Жексон.

Бува унинг гапига яхши тушунмайди:

— Майка дейсанми? Сен бола, мени ҳеч нарсага тушунмайди, деб калака қилмагин. Одамди отиям майка бўладими.

— Майкамас, Майкл Жексон. — дейди Дониёр кулиб.

Буваси барибир тушунмайди.

— Майли, ўғлим,. майками — иштонми — барибир менга, ким бўлса бўлар, фақат мени олдимда қўйма шуларингди. Миям оғриб кетади.

Дониёр бувасини ранжитгиси келмай, магнитафонни ўчиради.

— Булар нима деб айтаётганини ўзингам тушунмайсан-ку, болам.

— Тушунмасам ҳам яхши-да. Ҳозир ҳамма шуларни яхши кўради. Бутун дунё эшитади. Концертларига билет топилмайди.

— Дунё эшитса эшитар, лекин менга керакмас. Шуларингга эргашиб нима орттирдик. — Бува афтини буриштирди. — Отини айтишга одам уялади-ку, қўшиғини эшитиб бўладими? Ким билади, балки сўкинаяптими.

— Нимага сўкинади? Ашуладаям сўкадими?

— Шуям ашула бўлдими? Томоғининг пардаси йиртилиб кетмасмикан-а-..

— Зўр-да буважон.

Чол неварасига хўмрайиб қарайди. Кейин ишора қилади:

— Ундан кўра анавини қулоғини бура, тузукроқ ашула бўп қолар.

ДОНИЁР бувасининг раъйига қараб бурчакда турган радиони қўйди. Бувининг илтимосига қараб турган каби диктор «Энди Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлардан эшитинг», деди. Бу гапдан чолнинг чиройи очилди. Диктор давом этди: «Қора кўзим». Юнус Ражабий ижро этган».

— Ана, — деди буваси Дониёрга очиқ чеҳра билан, — энди жим ўтириб эшит. Мана буни ашула деса бўлади.

Дониёр индамай бувасининг пинжига кирди. Ашула бошланди.

Дониёр миқ этмай бувасини кузатди. У ашула оҳангига мос тебраниб ўтирар, кўзларини юмиб олган, ўзининг ибораси билан айтганда — сел бўлиб тингларди.

Бир зумда Дониёрнинг ичи қизиди. Аммо ўрнидан туришни ўзига эп кўрмади. Бир томондан — одобсизлик, иккинчи тарафдан — у кўзғалса бувасини ҳам безовта қилади. Шу боис қимирламай ўтирди.

Ниҳоят ашула тугади.

— Жойи жаннатдан бўлсин, илоё, кўп ажойиб ҳофиз эди-да.

Буваси бу гапни Дониёрга айтдими, ўзига айтдими — билолмади. Дониёр индамади, фақат бувасининг юзларига термулди. Чол ҳамон ўша алпозда ўтирар, Дониёр эса, унинг пинжидан қандай қилиб чиқиб кетишни ўйларди.

«Муножот», Берта Давидова ижро этади», — деди диктор.

— Буям зўр айтади, — деди бува.

Дониёр тишини-тишига босиб чидади. «Шу ашулаям тамом бўлсин, кейин тураман», деб хаёл қилди.

Хонанда ашулани бошлади. Дониёр аввалига у қадар эътибор бермади, бироқ, аста-секин ашулага берилиб кетди. Беихтиёр кўзлари юмулди. Хонанда оҳангига мослаб «ҳа-а, ҳа-а» деганида Дониёрнинг кўз ўнгида чўмилгани борганида кузатгани дарёнинг тўлқинлаб оқиши намоён бўлди «Ие, — деди ўзига-ўзи, худди ўша тўлқинга ўхшатиб айтаяпти-ку». Шу ўй билан ашулани охиригача эшитганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Учинчи ашула бошланганда Дониёрнинг кўзи илинди. Унинг беозор «пиш-пиш»ини буваси сезди, сезди-ю астагина ёнидаги болишга ётқизди.

Дониёр туш кўрди. Салла ўраган соқол-мўйловлари оппоқ, аммо ўзи басавлат бир қария унга насиҳат қилармиш. «Сен ҳўп ақлли бола экансан. Бувангни гапига кириб тўғри қилдинг. Ота-онасининг, бувасию бувисининг сўзига қулоқ солган болалар ақлли болалар бўлишади. Мен уларни яхши кўраман» дермиш. Дониёр ҳайрон бўпти. «Сиз кимсиз?», деб сўрамоқчи бўлармишу сўрай олмас эмиш. Чол худди Алишер Навоийга ўхшар эмиш. «Бобожон, сиз Навоиймисиз?» демоқни ўйлапти, лекин негадир гапиролмас эмиш. Чол яна гапирипти: «Аллақандай ажнабий қушиқлар билан миянгни чалғитма. Бувангни гапларига доим хўп дегин. Акс ҳолда, сендан хафа бўламан»...

Чол шундай деб бир зумда кўздан ғойиб бўпти. Дониёр унинг орқасидан чопипти. «Бобожон, тўхтанг, бобожон!».

Ўзининг овозидан ўзи чўчиб уйғониб кетди. Қараса ёнида ҳеч ким йўқ. Буваси ҳам кўринмайди. Радиодан аллақайси чет эллик хонанданинг концерти берилаётган экан. Дониёр шартта ўрнидан турди-да радиони ўчирди.

Ҳовлига чиқди. Жимжит. Бирон киши кўринмайди. Рўпарадаги хонада кимнингдир овози эшитилди. Секин бориб деразадан мўралади. Буваси намоз ўқиётган экан. Водопровод томонга юрди. Юз-қўлларини ювди. Ўша ердаги стулчага ўтириб хаёлга толди. Тушимда кўрганим ким экан?

Худди Алишер Навоийга ўхшайди. Расмини кўрганманку. Телевизордаги спектаклда ҳам Навоий худди шундай эди. Дониёр ўзича суюнди. Алишер Навоий тушимга кирди, деб қувониб кетди. «Бувамнинг ёнларига ўтириб Навоий ғазаллари билан айтиладиган ашулаларни тинглаганим учун кирган тушимга... Энди чет эл ашулачиларини эшитмайман. Эртага ўртоқларимга айтаман. Алишер Навоийни кўрдим тушимда, дейман. Ишонишармикан... Ишонишмаса ишонишмас, менга нима...». Ҳаёллари чувалашиб кетди. Шошма: деди ўзига ўзи, ҳозир бундай қиламан. Бозорга бориб бир даста гул оламан-да тўғри Алишер Навоийнинг ҳайкали пойига элтиб қўяман. Шунда у киши мендан хурсанд бўладилар.

Дониёр шу режаси бўйича кўчага отилди...

ЭРТАСИ куни у ўқийдиган мактабда миш-миш тарқалди, «Еттинчи синфда ўқийдиган Дониёр тушида Алишер Навоийни кўрганмиш». Бу гапга биров ишонди, биров ишонмади, яна биров кулиб қаради, масхара қилганлар ҳам топилди.

Ҳазилкаш жўралари «Ҳа, Дониёр, Навоий нима деди сенга. Ҳозир ҳам гаплашиб турибсанми?» деб юришди анчагача.

Ўшанда Дониёрнинг тушига кирган нуроний чол ростданам Алишер Навоиймиди ёки бошқами — ҳеч кимга маълум эмас. Аммо бир нарса ҳаммага, айниқса Дониёрни танийдиганларга яхши маълум. Ўша кундан бошлаб у Алишер Навоий ғазалларини мутолаа қиладиган, ашулаларини берилиб тинглайдиган бўлди. Магнитафонидан Майкл Жексон, Тото Кутуньо қўшиқлари эмас, Алишер Навоий ғазаллари билан айтиладиган ашулалар янграй бошлади. Дониёр вақти билан Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйишни ҳам одат қилди.

1991 й.

• Бизнинг суҳбат

# ЖАҲОН ТАН ОЛГАН ЖАРРОҲ

**Мияни муҳофаза этувчи кишилар бор. Уларни нейрохирурглар деб аташади. Нейрохирургия — тиббиётнинг кенжа, шу билан бирга, энг чигал тармоғи. Қуйида Ўзбекистон Республикаси Бош нейрохирурги, жумҳурият нейрохирургия маркази раҳбари, МДҲ нейрохирурглар жамияти бошқаруви раиси ўринбосари, муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга 150 дан зиёд илмий иш, қатор монографиялар муаллифи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Марат Ҳикматович ҚОРИЕВ билан суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.**

**— Мулоқотимиз аввалида нейрохирургия асослари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Нейрохирургиянинг тадқиқот объекти табиатнинг «буюк ижоди» бўлмиш миядир. Зеро, инсон дунёдаги жами жонли ва жонсиз «асбоблар» ичида энг мукаммали ва мураккабидир. Мана, минг йилларки, инсоният унинг сирларини ўрганиш билан шуғулланиб келади. Шунга қарамай, миянинг тузилиши ва фаолиятида ҳали «очилмаган» талай «қўриқлар» мавжуд. Масалан, мияни қуршаб олган кулранг модда — ликвор қатламининг ўзидаёқ 14 миллиард ҳужайра бор. Бу қадар кўп ҳужайра ички ва ташқи муҳит билан қанча алоқа боғлаши ёлғиз Оллоҳга маълум. Шуниси ҳам борки, табиатда бир хилдаги икки ҳужайра учрамайди. Иккинчидан, инсон бош мияси икки катта қисмга — чап ва ўнг ярим шарларга бўлинади. Кўринишдан бир хил бўлсада, улар турли вазифаларни бажаради. Кўпчилик кишиларда чап ярим шар муҳим ҳисобланади. Агар бу ярим шар фаолияти бузилса, одам гапира олмайди, бошқаларнинг ҳам гапини тушунмайди.

Учинчидан, ҳужайралар мия ичида тўпланиб, мия «тана»сини ташкил этади. Мазкур ҳужайралар мияга қувват бериб, унинг бедор ҳолатда бўлишини таъминлайди. Миянинг мана шу бўлимлари ишламаса, киши уйқуга кетади. Бундан ташқари, ёш ўта боргани сайин, инсон мияси ҳажман кичиклашаверади. Хуллас, бундай «сирлар» талайгина. Олимлар қадам-бақадам унинг асрорларини ошкор этишмоқда. Эволюция тараққиёти инсоннинг юмшоқ ,нозик миясини «мустаҳкам қўрғон» — бош суяк ичига пухта жойлаштириб, уни ташқи муҳитнинг зарари таъсиридан ишончли ҳимоя қилган. Мия танадаги ҳар қандай хасталикка дарҳол акс-садо беради, бироқ афсуски... унинг ўзи ҳам хасталикларга чалиниб туради. Негаки, маконда миянинг ҳаётий фаолияти ўта чеклаб қўйилган, ғайриодатий шароитларда унинг фаолияти ёмонлашиб, ҳатто ҳалок бўлиши мумкин.

**— Нейрохирургия ҳозирги тараққиёт босқичига эришганга қадар босиб ўтилган йўл ҳақида андак тўхталсангиз.**

— Бунинг учун яхшиси, ҳикояни нейрохирургия тарихидан бошлаган маъқул. Узоқ ўтмишдаёқ одамлар шикастланган мияни даволашга уринган. Қадимшунослик қазилмалари одамзод бундан ўн минг йил муқаддам тош ва суякдан ясалган ибтидоий қуроллар воситасида бош суякни пармалаб очганлигини исботлаб турибди. Қадимги дунёнинг улуғ ҳакими Гиппократ бош суякни очиш йўлларини билган. Улуғ ватандошимиз Абу Али ибн Сино мияни операция (ташмир) қилган, деган тахмин бор. XVI асрга келиб, А. Везали ва А. Паре бош мияда биринчи марта муваффақиятли жарроҳлик тадбири ўтказган.

Хўш, тиббиётнинг бу соҳаси Ўзбекистонда қандай ривожланган дейиш мумкин? Бизда 30-йиллардаёқ мия ўсмасида муваффақиятли операция ўтказилди. 1943 йилда Тошкент тиббиёт институтининг асаб касалликлари кафедраси қошида 20 ўринли нейрохирургия бўлими очилди. Тўғри, 1965 йилга келиб, бу бўлим ёпилди. Орадан уч йил ўтиб, Ўзбекистон Онкология ва радиология илмий-тадқиқот институти замирида нейрохирургия бўлими янгидан ташкил этилди. Ўзбекистонда нейрохирургия фани осон йўлни босиб ўтди, дея олмаймиз. Собиқ СССРнинг кўпчилик республикаларида аллақачонлар нейрохирургия марказлари ёки нейрохирургия илмий-тадқиқот институтлари ташкил этилган бўлса-да, бизда бундай марказга шу йил асос солинди.

**— Марказнинг республикамизда, МДҲ ва хорижда тутган салмоқли ўрнига қараганда, қисқа муддатда талай ишлар амалга оширилганга ўхшайди. Сиз бошчилик қилаётган жамоанинг қизиқиш доирасига нималар киради?**

— Бизни замонавий нейрохирургиянинг ҳамма йўналишлари қизиқтиради. Бу ерда ишлаб чиқилган назарий ҳалномалар синовдан ўтказилади. Бунга хасталикларга барвақт ташхис қўйиш, уларни даволаш услублари, янги микрохирургик техника яратиш ва ҳоказолар киради. Шуниси ҳам борки, ҳар бир янгилик бутун бир республиканинг микрохирургик хизмати мулкига айланиб қолмоқда. Жамоамизда ажойиб мутахассислар меҳнат қилишади. Энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган марказимизда ҳар йили 2,5 мингтагача бемор даволанади. 10 мингтагача бемор поликлиника хизматидан баҳраманд бўлади.

**— Мавриди келиб қолди, нейрохирургияга қандай кириб келгансиз?**

— 1955 йили Тошкент тиббиёт институтини тамомлаб, профессор А. Г. Тишин бошчилик қилган клиник ординатурада ишлай бошладим, сўнг Н. Н. Бурденко номидаги Москва Нейрохирургия институтининг аспирантурасида А. А. Арендт, Б. Г. Егоров, Л. А. Корейша, В. М. Угрюмов, М. Ю. Рапопорт, Ю. В. Коновалов каби жаҳонга машҳур олимлар қўлида таҳсил олдим. 1961 йили Тошкентга қайтиб, ТошМИнинг нейрохирургия бўлимига (кейинчалик у кафедрага айлантирилди) бошчилик қила бошладим.

**— Эсда қоларли операцияларингиз хусусида нима дея оласиз?**

— Ўтказган операцияларимнинг саноғи билан, афсуски, қизиқмаганман. Эҳтимол, бу нотўғридир. Бироқ мен учун ўтказилган операцияларнинг натижаси муҳим. Алоҳида эсда қоларли операциялар ҳақида ҳам бирон нарса дейишим қийин. Чунки, мияда ўтказилган операцияларнинг ҳаммаси мураккаб кечади. Шу боис улар эсда қоларли бўлади. Ҳар ҳолда операция ўтказган беморларимнинг ҳаммасини номма-ном танийман.

**— Тан олиш керак, бозор муносабатлари тиббиётни қийин аҳволга солиб қўйди. Жумладан, нейрохирургия хизматида ҳам муаммолар юз бўлмаса керак?**

— Юқорида нейрохирургия — Ўзбекистоннинг энг ёш фан соҳаси дедик. Мусда нейрохирургия бўйича дарслик йўқ.

**— Марат Ҳикматович, яқин орада нейрохирурглар руҳий хасталикларни ҳам даволайди деган гаплар тез-тез қулоққа чалинмоқда...**

— Беморда синчковлик билан аниқланган маълумотлар бўлганда, нохирургик даволаш услублари иш бермаганда руҳий хасталикларни операция йўли билан даволаш мумкин.

**— Аъзоларни кўчириб ўтказиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бўлиб қолди. Илмий доираларда ҳатто мияни кўчириб ўтказиш эҳтимоли ҳақида фикрлар айтилмоқда. Шулар ростми?**

— Техник жиҳатдан бундай операцияларни амалга ошириш мумкин. Бироқ, масаланинг талай тиббий, ижтимоий, аҳлоқий томонлари ҳам бор. Шу нарсага ишончим комилки, ҳозир енгиш мумкин бўлмаган хасталик йўқ. Илмий тафаккур инсон ҳаётини соғлом ва бахтли қилишга қодир. Кези келганда нейрохирургиянинг яна бир янги соҳаси ҳақида гапирмоқчи эдим. Гап стереотаксия тўғрисида бормоқда. Паркинсон хасталиги юз берганда жароҳатланган жойдан мушакларга тўхтовсиз ортиқча сигналлар келиб туради, бу сигналлар бутун организмни ларзага солади. Хўш, ана шу бошқариб бўлмайдиган импульсларнинг тартибсиз оқими йўллари «кесилса-чи»? Махсус криоген ускунаси орқали шунга эришилди. Бунинг натижасида юзлаб кишилар ҳаракат қилиш фаолиятини тикладилар.

**— Марказда тиғсиз операциялар йўлга қўйилаётган экан. Булар қандай операциялар?**

— Фараз қилинг, беморда миянинг артериавеноз аневризмси хасталиги бор. Бу—қон томирлари ҳаддан ташқари йўғонлашиб, ҳар дақиқада ёрилиши мумкин демак. Бундай чоғда фожианинг олдини олиш учун анъанавий тарзда бош суягини очиш, тўқималарни кесиш шарт эмас. Жарроҳ рентгентелевизион назорати ёрдамида баллон-катетердан фойдаланиб, шикастланган томирга «етиб боради» ва аневризмни тиқинлайди, яъни уни қон айланиш тизимидан чиқариб ташлайди. Бундай қонсиз операциялар қисқа муддатли бўлгани устига, беморни деярли жароҳатламайди. Шунинг учун бундай жарроҳлик тадбирларининг аҳамияти баҳоят катта.

**— Сизни «Ўзбекистон нейрохирургиясининг «отаси» дейишади. Шогирдларингиз ҳақида тўхталсангиз.**

— Шукрки, улар кам эмас. Булар — Абдусамад Абдуқодиров, Гулнора Алихўжаева, Ирина Абдуқодирова, Марат Мирзабоев, Маҳмуд Аҳмадиев, Қодир Имомназаров... ва бошқалар. Бундан ташқари, вилоятларда талай шогирдларим муваффақиятли меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ҳаммаси ҳам истеъдодли ёшлар, соҳанинг фидойи кишилари. Чунки бизда бундан бошқача одамлар ишлай олмайди. Илло, бардоши етмай, нейрохирургияни бир умрга тарк этувчи ёки тиббиётнинг бошқа соҳасига «уриб кетувчи»лар ҳам оз бўлса-да, учраб туради.

**— Тиббиёт атамаларида давлат тилининг жорий қилинишн масаласига қандай қарайсиз?**

— Албатта, мен давлат тили тарафдориман. Бироқ тиббиётда атамаларни зўрлик билан ўзбекчалаштирсак, бу мазкур соҳада орқада қолишимизга олиб келади. Масалан, мусиқада нотани давлат тилига кўчириш ҳеч кимнинг эсига келмайди-ку?! Мен бутун дунё тиббиётида лотин тили қабул қилинган экан, шундай бўлиб қолиши зарур деб ҳисоблайман.

**—Ҳозир нималар устида ишлаяпсиз?**

— Асосий вазифамиз — турли-туман мия хасталигига чалинган одамларни даволашдан иборат. Демак, бу хасталиклар устида амалий фаолият олиб бориш билан бирга, ана шу хасталикларни тўла тадқиқот қилишга ҳам тўғри келади. Бусиз илм-фан ривожланмайди. Одамларнинг саломатлигини тўла тиклаб бўлмайди. Шунинг учун ўсма, турли даражадаги мия жароҳатлари, тутқаноқ (эпилепсия), инсульт, аёлларнинг кўз ёриши чоғида мия травматизми ва бошқаларни кенг ўрганишга тўғри келади.

**— Марат Ҳикматович, меҳнатлар ичида жарроҳлик меҳнатидан ҳам олижаноброғи бўлмаса керак. Бироқ бизда ўша жарроҳнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қай аҳволда?**

— Авточилангарлар битта машинани тузатганларига юз минг сўмлаб пул оладилар. Биз одамларни оёққа турғазамиз. Аммо тушуниб турибмиз. Бозор иқтисодиёти шароитида ўткинчи муаммолар бор. Ҳарна рўзғорга етади. Шукр қилайлик. Ҳолбуки, таъбир жоиз бўлса, биздаги ишлаб чиқариш энг катта наф келтиради: ҳаёти қутқазилган, оиласига, корхонаси бағрига қайтган инсоннинг баҳосини қайси пул билан ўлчаш мумкин?

**— Сиз билан фақат иш юзасидангина суҳбатлашдик. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?**

— Афсуски, менда бўш вақт деярли йўқ. Ошириҳ операция қилинмаган кунлар камдан-кам бўлади. Режали операциялар, Марказга раҳбарлик қилиш, талабаларга маъруза ўқиш, рўзғор ташвишлари. Бундан ташқари, санитария авиацияси орқали фақат жумҳуриятимиз меҳнаткашларигагина эмас, бутун Марказий Осиё аҳолисига (чунки минтақада бошқа Нейрохирургия маркази йўқ) нейрохирургия ёрдами кўрсатишга тўғри келади. Мабодо бирон-бир жойга мукаллиф бўлиб қолсам ҳам марказимизга мени қандай топиш мумкин бўлган телефон рақамини қолдириб кетаман...

**Шерали СОКИН**
**суҳбатлашди.**

Ошиқ ЭРКИН

# БИР АЖОЙИБ ЗАМОН КЕЛДИ

**Дўстлар яхши даврон келди,**
**Яйрамоққа имкон келди,**
**Саодатим хандон келди,**
**Истиқлолим омон келди,**
**Бир ажойиб замон келди.**

**Бу кунларни узоқ кутдик,**
**Интилдик, саломат етдик,**
**Мустақиллик туғин тутдик,**
**Истиқлолим омон келди,**
**Бир ажойиб замон келди.**

**Кўксимизда келди қуёш,**
**Барча кўзларда севинч-ёш,**
**Олқишлади юзлаб қардош,**
**Истиқлолим омон келди,**
**Бир ажойиб замон келди.**

**Она халқим озод, тўғри,**
**Юртбошим юраги чўғли**
**Бизга йўл кўрсатиб тўғри,**
**Истиқлолим омон келди,**
**Бир ажойиб замон келди.**

**Энди эркиндур тахтимиз,**
**Чарақлаб кулгай бахтимиз,**
**Биродарлик чин аҳдимиз,**
**Истиқлолим омон келди,**
**Бир ажойиб замон келди.**

**Азаллардан улуғ элим,**
**Қўлингда шонли туғ элим,**
**Нурафшонлик қутлуғ элим,**
**Истиқлолим омон келди,**
**Бир ажойиб замон келди.**

**Юртим тинч бўлсин осмонинг,**
**Юртбошинг — чароғбонинг,**
**Ошиқ Эркин куйлар шонинг,**
**Истиқлолим омон келди,**
**Бир ажойиб замон келди.**

СПОРТ

# «АЛПОМИШ» ЧОРЛАМОҚДА

**Бугун Тошкентда чарм қўлқоп усталарининг халқаро мусобақаси бошланади**

Шу йилнинг ўзида юртимизда бир қанча халқаро мусобақаларни ташкил этилиши, спортчиларимизнинг хорижий элларда муваффақиятли беллашиб, ой-юлдузли байроғимизни ҳилпирашига эришганликлари қувонарлидир.

Бокс бўйича Тошкент халқаро мусобақасининг аҳамияти эса алоҳида дейиш мумкин. Боиси Туронзамин юртида жаҳонга машҳур чарм қўлқоп усталари камол топиб, минглаб издошларни эргаштиришганини ҳамма билади. Жумладан, жаҳон чемпиони Руфат Риқиев, таниқли боксчилар Владимир Агаронов, ака-ука Николай ва Александр Анфимов, Абдулла Қодирохунов ҳамда шу йил Финляндиянинг Тампере шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатининг совриндори Ҳикматилла Аҳмедов номлари билан ишқибозлар ҳақли равишда фахрланадилар.

— Йирик мусобақани спорт саройимизда ўтказилаётгани жамоамиз учун ҳам фахрли, ҳам масъулиятлидир. Зеро, бизда спартакиадалар, чемпионатлар ва халқаро мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича етарли тажриба тўпланган, — дейди Тошкентдаги «Алпомиш» спорт саройи директори Шуҳрат Исломов. — Мусобақада 250 дан ортиқ боксчи, 16 га яқин жамоанинг иштирок этиши кўзда тутилган. Маълумки, хорижийлик меҳмонларнинг диди ҳам, талаби ҳам ўзгачароқ бўлади. Шу боис сарой биносини қайта таъмирлашга, спортчи-ю меҳмонларга қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қилдик. Мухлисларни ҳам унутганимиз йўқ. Саройнинг зали 4000 кишилик қилиб жиҳозланди. Танаффус пайтларида уларга маданий-маиший хизмат кўрсатилади. Хусусан, совға-саломлар билан савдо қилувчи 8 та дўкон, 3 та буфет ва кафе улар хизматида бўлади. Бир сўз билан айтганда бугун соат 18.00 да тантанали суратда очиладиган халқаро мусобақани бошлаш учун ҳозир бўлиб турибмиз.

Ишқибозларни она-юртимиз боксчиларининг чиқишлари кўпроқ қизиқтирмоқда. Маълумки, улар уч жамоага бўлиниб, ғолиблик учун курашадилар. Қорақалпоғистон боксчиларининг алоҳида жамоа бўлиши мўлжалланган. Лекин республика боксчилари терма жамоасининг бош тренери Владимир Шиннинг таъкидлашича, туркиялик Европа чемпиони Сулаймон ўғли ҳамда Болгария ва Руминиядан келган етакчи боксчиларнинг рингга чиқишлари спортчиларимиз учун ўзига хос рақобатни юзага келтириши мумкин экан. Лекин Ўзбекистон терма жамоаси Россия, Қозоғистон ҳамда Болгария, Руминия ва Туркия жамоалари билан қизғин баҳсда етакчи бўлишга интилиши кутиляпти.

Халқаро мусобақада мутахассисларимиз ўринбосарларни кўздан кечириб, бўлажак Осиё ўйинлари ҳамда олимпиада баҳсларига тайёргарлик ҳақида ўйлайдилар. Тошкент халқаро учрашувини фахрли спорт устаси, АИБА ҳаками Темур Ғуломов бошқаради. Ўйлаймизки, «Алпомиш» спорт саройида бир неча кун давом этадиган қизғин баҳслар мухлисларда унутилмас таассурот қолдиради.

**Ҳайдар НОСИРОВ.**

• СПАРТАКИАДА

# КИМ ҒОЛИБ БЎЛАРКИН?

Соғ танда—соғлом ақл, деган гап бор. Дарҳақиқат шундай. Ақлий меҳнат билан жисмоний тарбияни уйғун олиб борган киши бардам бўлади. Шу маънода меҳнаткашлар саломатлиги йўлида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, касаба уюшмалари «Ўзбекистон» Жисмоний тарбия спорт жамияти марказий кенгаши томонидан республика спартакиадасининг уюштирилганлиги айни муддао бўлди.

Мазкур мусобақа якунловчи қисмининг очилиши Тошкентдаги республика Жисмоний тарбия институтида бўлиб ўтди. Тармоқлараро спартакиадани ўтказувчи ташкилий қўмита раиси, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Муҳайё Тўлаганова тўпланганларни қутлаб шундай деди:

— Иқтисодий қийинчиликларга қарамай бундай спорт тадбирининг ўтказилаётганлиги бежиз эмас. Мақсад — аҳолининг барча табақаларини жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш. Юртбошимиз эл саломатлиги йўлида ғамхўрлик қилаётир. «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилганлиги ҳам шундан.

Шу куни Қорақалпоғистон ва вилоятлардан келган қишлоқ спортчилари мини футбол ва шахмат бўйича ўзаро беллашдилар. Чарм тўп ўйинларининг дастлабкисида Жиззах, Қорақалпоғистон, Самарқанд ва Тошкент шаҳри футбол жамоалари рақибларидан устун келишди. Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд вилоятларининг шахматчилари чиройли донолар суриб олқиш олишди. Тошкентдаги беллашувлардан кейин мусобақалар вилоятларда давом эттирилади. 13—17 октябрь кунлари Бухорода волейбол (эркаклар), Фарғонада (аёллар) учрашуви бўлса, 21—26 октябрда самарқандликлар спорт тенниси ўйинларини томоша қиладилар.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

• Шатранж оламида

# ШОРТ БЎШ КЕЛМАЯПТИ-Ю...

Тилсимга элтувчи минг бор тўсиқни енгиб охирги эшикка етганда, боп калитни тополмаслик қанчалар ачинарли. Лондонда давом этаётган Каспаров—Шорт баҳсининг бир неча учрашувларида англиялик ёш гроссмейстер ана шу кўйга тушди. Ўнинчи партияда ҳам Сицилия номи билан машҳур дебют танланди. Бунинг асосий сабаби жаҳон чемпиони эканини таксрорламаса ҳам бўлади. Зеро у ўзига ёқадиган йўлни тарк этмайдиган «қайсари рум»лардан.

Тахтада бундан олтмиш йилча бурун амалиётга киритилган мураккаб тизим юзага келди. Бир муддат тож талабгори ихтиёрида икки усулдан ёққанини танлаш имконияти туғилди. У сипоҳларнинг зўри—фарзинни бериб, ҳужум суръатини бўшаштирмасликни ихтиёр этди. Каспаровдек рақибга қарши бундай ҳад қилишнинг ўзи катта шижоат. Кейинги бир неча юришлар режанинг ҳолатга монанд эканлигидан шаҳодат бериб турди. Маълум муддатгача Найжел Шорт энг кучли юришларни топиб, ҳарафини танг ҳолатдан чиқармади. Бироқ қанчалик уринмасин тилсимнинг ўша қирқинчи-эшигига тушадиган калитни тополмади. Буни қарангки, бу ҳол бир неча юриш мобайнида нақ уч бор такрорланса Шорт бундан фойдалана олмади. Ҳа, айтишга осон холос. Чигаллик баҳ э қилаолган Каспаровга балли.

Ўн биринчи партияда ҳам кескинлик пасаймади. Рақиблар эллигинчи юришга борганда битимга ноилож имзо чекдилар. Бу салкам олти соат давом этган қизғин олишув интихосидир. Баҳснинг биринчи ярмига якун ясовчи 12-учрашуви ҳам худди шунга ўхшаш тарзда тугади. Ҳисоб жаҳон чемпиони фойдасига 8,5:3,5. Каспаров беш ўйинни ютиб етти тасида дурангга эришди. Бугун матчнинг иккинчи ярми бошланади. Ажаб эмас, бунисида англиялик гроссмейстер юртдошларини мамнун этса. Вазият шундан дарак бераётгандек.

Голландиядаги Карпов — Тимман баҳси эса «думи ҳуржунда» бўлиб турибди...

**Мамажон МУҲИДДИНОВ.**

● ФУТБОЛ

# «ПАХТАКОР»—«НЕФТЧИ»—5:4

**Олий лига жамоалари миллий чемпионатининг 24-тур учрашувлари . мухлисларда яхши таассурот қолдирди.**

Энг қизиқарли учрашувлардан бири Тошкентда бўлди. Чемпионат пешқадами Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари пахтакорчилар меҳмони бўлишди.

Учрашувнинг 35-минутида Мурод Алиев ҳисобни очди. Орадан 3 минут ўтгач, Нўъмон Ҳасанов ғалабани мустаҳкамлади. Лекин бир минут ўтар-ўтмас Степан Атоян «Пахтакор» дарвозасига жавоб тўпи киритди. Ҳужумкорликка берилган пахтакорчилар яна олдинга чиқишди. 40-минутда Шуҳрат Мақсудов ҳисобни 3:1 га етказди. Танаффусдан кейин меҳмонлар астойдил ўйин кўрсатиб, ташаббусни қўлга олдилар. 55-минутда Атоян тўп киритган бўлса, орадан минут ўтиб, Рустам Дўрмонов ҳисобни тенглаштирди. 76-минутда Фарҳод Муҳаммедов «Пахтакор» мухлисларини қувонтирди. 78-минутга борганда Рустам Дўрмонов яна ҳисобни тенглаштиришга эришди. Ишқибозлар очколар баҳам кўриладиган бўлди, деган фикрга боришди. Лекин учрашув тугаши олдидан Миржалол Қосимов маҳорат кўрсатиб, пахтакорчиларга ғалаба (5:4) келтирди. Шундай қилиб «Пахтакор» 38 очко билан мавқеини бироз мустаҳкамлади. «Нефтчи» ҳисобида 41 та очко бор.

Бу галги учрашувларда кучли олтиликни ташкил этиб турган жамоаларнинг бари ғалабага эришдилар. Ҳозир «Навбаҳор» 35, «Сўғдиёна» 33, Темирўлчи 28, Нурафшон 27 очкога эга. Чемпионликнинг кимга насиб этиши «Пахтакор» билан «Нефтчи» жамоаларининг қолган олтитадан учрашувда қандай ўйин кўрсатишларига боғлиқ бўлиб қолди.

**Шифокорлар ҳақида сўз кетганда кўпинча Шоҳиста Файзуллаевани ҳурмат билан эсга оладилар. У мана 20 йилдан ошдики, шифокорлик қилади. 1976 йилдан бери эса Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли касалхонада ишлаяпти. Ҳозир кардиология бўлимида самолётсозларни даволаётир. У ишлаётган бўлим 70 ўринли бўлиб, беморлар Шоҳистахондан ҳамиша хурсанд.**

**СУРАТДА: Шоҳиста Файзуллаева (ўнгда) ҳамшира Гулсара Аблаева билан.**

**Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Илгари хабар қилганимиздек, республика прокуратураси, миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар вазирлиги тезкор гуруҳларининг биргаликдаги тадбир ва ҳаракатлари натижасида «Ўздавнефтмаҳсулот» тизимининг Тошкент бўлими раҳбарларидан Самандар Қўқонов ва бошқаларнинг жиноий йўл билан топилган миллионлаб пул, килограммлаб олтин, чет эл валюталари, ҳаддан ташқари ҳашаматли қурилган уй-жойлар, автомобиллар, ҳисобсиз товар-моддий мулк ва жиҳозлар билан қўлга тушгани, ҳибсга олингани муносабати билан уларнинг жиноий қилмишлари, шерик ва ҳомийларини аниқлаш юзасидан тергов ишлари бошлаб юборилган эди.

Сўнгги пайтларда аҳоли ўртасида мазкур жиноий иш ёпилгани ва С. Қўқонов қамоқдан озод қилингани ҳақидаги турли уйдирма ва миш-мишлар тарқатилаётгани сабабли Ўзбекистон Республикаси прокуратураси расмий хабар қиладиким, бу уйдирмалар асоссиздир.

С. Қўқонов ҳибсдан бўшатилган эмас. Аксинча, таркиби янада кучайтирилган тергов гуруҳи томонидан Қўқонов ва унинг шерикларининг илгари маълум бўлмаган қилмишлари фош этилиб, яна кўп миқдорда жиноий йўл билан тўпланган пул, товар-моддий бойликлар, мулклар тортиб олинди. Қўқонов иши билан боғлиқ жиноий ҳаракатлар иштирокчиси сифатида яна саккиз нафар шахс ушланиб, қамоқа олинди.

Жиноятни фош этишга қаратилган кенг кўламли, айни пайтда тезкор тергов ишлари давом этмоқда.

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманлараро насос станцияси жамоаси станция бошлиғи Олимбой Примовга онаси

**Пардагул ДОВҚОРАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-53-14
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-76-04, 32-53-70
Фан ва маданият бўлими — 33-20-36
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-38-55, 32-55-70, 32-54-12
Котибият — 33-72-83, 32-53-06
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 4-44-62;
Бухорода — 3-96-12; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Самарқандда — 35-22-90;
Жиззахда — 3-31-86; Урганчда — 6-72-60;
Навоийда — 3-74-76; Термизда — 2-23-01;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Хажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—583. № 181. топширилди —22.00.
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, А. ПЎЛАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ,
ГСП, МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасиниг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.